



# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 2005 йил 12 февраль, шанба • №13 (11.712) • Эркин нарҳда сотилади

## Тараддуд муҳокамаси

Кеча вилоят ҳокимлигининг кичик мажлислар залида шу йил май-июнь ойларида Тошкент вилоятида ўтказиладиган «Баркамол авлод – 2005» спорт мусобақалари республика финал bosқичига тайёргарлик кўриш бўйича вилоят ташкилий қўмитасининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда мусобақа иштирокчиларининг яшаш жойлари ва спорт иншоотларининг тайёргарлик ҳолати, спортчи ва му-

### «Баркамол авлод – 2005»

раббийлар учун қулай шарт-шароитлар яратиш борасида амалга оширилаётган ишлар, турли масалаларни ҳал қилиш учун йўналишлар бўйича тузилган ишчи гуруҳлар фаолияти муҳокама қилинди. Кўриб чиқилган масалалар бўйича вазифалар белгиланди. Йиғилишда Ўзбекистон Рес-

публикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг биринчи ўринбосари, Ўрта махсус, касб-хунар таълими Маркази раҳбари, «Баркамол авлод» спорт мусобақаларини ташкил қилиш ва ўтказиш республика ташкилий қўмитаси раиси Жуманазар Хусанов иштирок этди.

## ИЛК МУСОБАҚАЛАР, ДАСТЛАБКИ НАТИЖАЛАР



Аввал хабар берганимиздек, вилоятимизда «Баркамол авлод – 2005» спорт мусобақаларининг учинчи bosқичига старт берилди. Шахмат ҳамда стол тенниси беллашувларига Янгийўл шаҳар хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежи мезбонлик қилди. Мусобақаларнинг юқори савияда ўтишида, спортчиларни ётоқхона билан таъминлаш, ғолибларни кўнгилдагидек тақдирлаш масаласида вилоят ўрта-махсус касб-хунар таълими бошқармаси ҳамда ушбу коллеж маъмурияти жонбозлик кўрсатди.

Шахмат беллашувларида биринчи ўринни Ангрен академик лицейи ва политехника касб-хунар коллежи ўқувчиларидан иборат жамоа эгаллади. Қўрай академик лицейи ва педагогика коллежи шахматчиларига иккинчи ўрин насиб этди. Учунчи ўринни Янгийўл хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежи ҳамда Зангиота қишлоқ хўжалиги касб-хунар коллежи ўқувчилари қўлга киритишди. Яқка баҳсларда эса ўсмирлар ўртасида қўрайлик Мирсодиқ Содиков, Ангрен академик лицейи ўқувчиси Алишер Ниёзов ҳамда ангренлик Воҳид Рашидов ўз маҳоратларини намойиш этиб, кучли учликка киришди.

Қизлар орасида Ксения Нетребинага ҳеч ким тенг кела олмади. Нигора Ниёзова билан Алия Қаюмовалар ҳам ўзларининг анча тажрибали эканликларини исботлаб, кейинги фахрли ўринларни эгалладилар.

Шундай қилиб, шахмат бўйича вилоятимиз терма жамоаси номзодлари аниқланди: Мирсодиқ Содиков, Алишер Ниёзов, Воҳид Рашидов, Ксения Нетребина, Нигора Ниёзова, Алия Қаюмова, Ёқуб Холматов, Гулнара ва Хуснора Ортоқовалар, Шоҳида Исроилова, Азиза

Қўчқорова, Файрат Холмирзаев. Терма жамоа бош мураббийси — республика тоифасидаги ҳакам Бахтиёр Холмирзаев.

Стол тенниси мусобақалари ҳам ўзига хос тарзда ўтди. Умумжамоа ҳисобида Ангрен шаҳри жамоаси биринчи, Олмалиқ жамоаси иккинчи, Тошкент тумани вакиллари учинчи ўринга сазовор бўлишди. Яқка баҳсларда Владимир Борисенко барча рақибларини доғда қолдирди. Олмалиқ хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежи ўқувчиси Радик Абзалуддинов ва Бекобод техника-иқтисодиёт касб-хунар коллежи вакили Сардор Султонқулов иккинчи ва учинчи бўлишди. Қизлардан Тоня Беспалова, Оля Синко, Маъмура Худойбердиевалар энг яхши натижаларга эришдилар.

А. Аблаева бош мураббийлигидаги стол тенниси бўйича терма жамоамиз таркибига номзодлар сифатида Владимир Борисенко, Асан Иброҳимов, Тоня Беспалова, Виктор Мирошниченко, Радик Абзалуддинов, Оля Синко, Маъмура Худойбердиева, Регина Юсупова саралаб олинди.

Эслатиб ўтамиз, навбатдаги миллий кураш мусобақалари 15-17 февраль кунлари



Ангрен политехника касб-хунар коллежида бўлиб ўтади. Хуршида НАЗАРОВА, «Тошкент ҳақиқати» мухбири.

СУРАТЛАРДА: мусобақа ва тақдирлаш маросимидан лавҳалар. Даврон АҲМАД олган суратлар.

## ВИЛОЯТ ҲАЁТИ

### Лойиҳа тайёр бўлди

Зангиота тумани Зангиота қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида маданий-маиший бинолар қуриш яхши анъана тусини олган.

Яқинда яна бир хайрли ишга қўл урилди. Аҳолига сифатли тиббий хизматни йўлга қўйиш мақсадида эски поликлиника ўрнига қишлоқ шифокорлик пунктини бунёд этишга киришилди.

Равшан РУСТАМОВ.

### Қўшимча сув манбаи

Эндликда Чиноз тумани аҳолиси ичимлик суви муаммосига дуч келмайдиган бўлди.

«Дўстлик» ширкат хўжалиги ҳудудида туман аҳолисининг 60 фоизини сув билан таъминлаш қувватига эга махсус насослар ўрнатилди.

210 метр чуқурликдан тортиб олинаётган ичимлик суви ҳар томонлама санитария талабларига жавоб беради. Шунга қарамай, ер ости суви шу ернинг ўзида зарарсизлантириш моддалари билан қайта ишланади.

Ҳозирда барча техника ва тармоқлар синовдан ўтказилмоқда.

Озод МАЪМУРОВ.

## ВИЛОЯТ ҲАЁТИ

### Бобур таваллудининг 522 йиллигига

## Тошкент воҳасида ўтган кунлар

Буюк ватандошимиз Заҳириддин Муҳаммад Бобур бор-йўғи 47 йил умр кўрган бўлса-да, Марказий ва Жанубий Осиё халқлари тарихида унутилмайдиган йирик давлат арбоби ва қўмондон, нозиктаъб шоир ва тарихчи, ориятли фарзанд, эр ва ота бўлиб яшаб ўтди. Унинг 35 йиллик фаолияти ҳарбий тўқнашувлар ва давлат бошқаруви ташвишлари билан боғлиқдир. Ҳаёти ҳар қанча қийин кечмасин, Бобур дилдан икки нарсга муқаддас аъмол сифатида мустаҳкам ўрин олди. Бири туғилган ватанига, иккинчиси адабиётга туганмас меҳрдир. Бу икки тушунча билан боғлиқ туйғулар шоҳ ва шоир кўнглининг ойнасига айланди. Биз узоққа бормай, Бобурнинг 1501-1503 йилларда Тошкент воҳасида кечган саргардон ҳаёти саҳифаларининг «Бобурнома»даги меморат ва ғазалларидаги эстетик тажассуми масаласига тўхталмоқни лозим топдик.

Шоирнинг куйидаги машҳур рубоийси мазмунига эътибор беринг:

*Ёд этмас эмиш кишини меҳнатда киши,  
Шод этмас эмиш кўнглини гурбатда киши.  
Кўнглум бу ғариблиқда шод ўлмади ҳеч,  
Гурбатда севунмас эмиш, албатта, киши.*

Ёд этилмаган (қадрланмаган) меҳнат ва гурбат туфайли шод бўлолмай қолган (севинмайдиган) кўнгил эгаси Бобур 1501 йилнинг январь ойида Самарқанд қамалидан чиқиб, 200 нафар қариндош ва биродарлари билан Жиззах, Ховос ва Хос орқали Пскентга

келади. «Бобурнома»да ёзилишича, у пайтда Пскент беги Абдулманнон Мулла Ҳайдар ўғли бўлган. Шайбонийхон Бобурдан бир ҳафта илгари Шоҳруҳия қалъасига келиб ўрнашган эди. Абдулманноннинг Мўмин исмли кичик ўқаси Самарқандда бўлганида Бобур ва унинг яқинларига нисбатан қандайдир сабаб билан дилига тугган ўчини олмоқчи бўлиб, Шайбонийхонга хабар беради. Шундан сўнг Бобур «Пискенттин кўчуб Оҳангарон кентларида уч-

(Давоми 3-бетда).

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» - СИЗНИНГ ГАЗЕТАНГИЗ!  
Эслатиб ўтамиз: **Обуна давом этмоқда** **Бизнинг индекс - 205.**

## Таълимда ИЖТИМОЙ ҲАМКОРЛИК

Меҳнат бозорини малакали мутахассислар билан таъминлаш ўрта махсус, касб-хунар таълими соҳасидаги асосий вазифалардан. Айти пайтда таълим муассасалари ва ишлаб чиқариш корхоналари ўртасидаги ижтимоий ҳамкорликни таъминлаш муайян соҳалар учун зарур мутахассисларни саралаб олишда муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази ҳамда Европа Иттифоқи ТАСИС Дастурининг «Ўзбекистонда ўқитиш ва таълим соҳасидаги ижтимоий ҳамкорлик» лойиҳаси ана шу мақсадга йўналтирилган.

Пойтахтимиздаги Ўрта махсус, касб-хунар таълимини

ривожлантириш институтида ўтган семинарда бу борада амалга ошириладиган ишлар хусусида сўз борди.

Лойиҳага Тошкент шаҳри, Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Навоий вилоятларидаги турли йўналишдаги касб-хунар коллежлари киритилган.

Ў.А.

## Лойиҳа имкониятлари кенг

Ўзбекистон Ўрта махсус, касб-хунар таълими марказида Польша Республикаси кредит лойиҳасига оид шартнома имзоланди.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг биринчи ўринбосари, Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази раҳбари Ж. Хусанов давлатимиз раҳбари Ислам Каримов ташаббуси билан ишлаб чиқилган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури нафақат юртимизда, балки хорижда ҳам таълимни ислох этишнинг илғор модели сифатида эътироф этилаётганини таъкидлади.

Дастурни муваффақиятли амалга оширишда хорижий мамлакатлар билан ҳамкор-

ликни йўлга қўйиш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Польша Республикаси ҳукуматининг имтиёзли кредити асосидаги «Касб-хунар таълимини ривожлантириш» лойиҳаси бунга мисол бўла олади. Унинг умумий қиймати 15 миллион АҚШ долларига тенг. Лойиҳа мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ва сақлаш, озиқ-овқат саноати, умумий овқатланиш ва энгил саноатга ихтисослашган 66 та касб-хунар коллежини қамраб олади.

Ў.А.

Тошкентда Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилотининг Европадаги минтақавий бўлими, ЮНИСЕФ ҳамда Республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан ҳамкорликда «Иммунизациядан сўнг иккинчи даражали таъсирни ўрганиш» мавзуда шифокорлар учун тренинг ўтказилди.

## Шифокорлар учун тренинг

Тренинг иштирокчилари тўрт кун давомида иммунизация ва вакцинациядан сўнг турли асоратлар мониторинги бўйича европалик мутахассислар тажрибаси билан танишдилар.

Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилотининг Европадаги минтақавий бўлими маслаҳатчиси Денис Мейрнинг таъкидлашича, вакцинация хавфсизлиги ташкилот олдида турган долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Шунинг учун мазкур тренинглар кўпгина европа мамлакатлари ва МДХ давлатларида ҳам ўтказилган.

Соғлиқни сақлаш соҳасидаги ислохотларнинг равнақида Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти билан ҳамкорликда амалга оширилган лойиҳаларнинг ўрни бекиёсдир.

Сурайё НАЗАРХУЖАЕВА,  
«Туркестон-пресс».

## Бош мавзу — етуклик ва баркамоллик

Вилоят халқ таълими бошқармасида бўлиб ўтган йиғилишда ана шу масала юзасидан фикр-мулоҳаза юритилди. Унда шаҳар ва туман халқ таълими бўлими бошлиқлари, таълим муассасалари ходимлари иштирок этдилар.

Йиғилишда халқ таълими муассасаларида ўтган йилда амалга оширилган ишлар муҳокама қилинди. Шунингдек, 2005 йилги таълим жараёнларида ўқувчилар фаоллигини ошириш, уларни спортнинг барча турларига кенг жалб қилиш ва бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш орқали ёшлар ўртасида жиноятчилик, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар иштирокчилар эътиборида бўлди.

Равшан РУСТАМОВ.

## Ҳам саёҳат, ҳам зиёрат

Ишлар жойида-ю, имкониятлар бемалол бўлса, сайру саёҳат қилганга нима етсин. «Оҳангароншифер» ҳиссдорлик жамиятида жамоа аъзоларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, моддий ва маънавий рағбатлантириш учун имкониятлар етарли.

Яқинда корхонанинг илғор ишчи-хизматчилари ва ишлаб турган пенсионерлардан иборат гуруҳ Бухоро сафарига бўлиб қайтди. Аввалдан белгиланган режа бўйича улар кўхна шаҳарнинг тарихий зиёратгоҳлари — Ситораи моҳи хосса, Минораи калон, Бухоро амирининг арки, Баҳовуддин Нақшбанд даҳмаси, Исмоил Сомонийлар мақбараси каби қадимий ёдгорликларни томоша қилдилар. Ушбу сафарнинг барча сарф-харажатлари корхона қасаба уюшмаси кўмитаси томонидан қопланди.

Абдусамад ЙЎЛДОШЕВ.

## Кун тартибида муҳим масала

Вилоят прокуратурасида қишлоқ хўжалиги масалалари бўйича кенгайтирилган ҳайъат йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда туман ҳокимлари, прокурорлар, ички ишлар бўлимлари бошлиқлари, қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси ва унинг жойлардаги бўлимлари вакиллари ва бошқа мутасадди ташкилотлар раҳбарлари иштирок этдилар.

Йиғилишда республика Вазирлар Маҳкамасининг «2005 йил ҳосили учун бошоқли дон экинларини экишни уюшқоқлик билан ўтказиш чора-тадбирлари, дон етиштириш ва давлат эҳтиёжлари учун харид қилиш тўғрисида»ги ҳамда «2005 йил ҳосили учун судгорлашни уюшқоқлик билан ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ижроси муҳокама қилинди. Хусусан, бу соҳадаги ҳукумат меъёрий ҳужжатлари юзасидан вилоятда бир қатор ишлар амалга оширилганлиги, бироқ, шунга қарамай жойларда белгиланган чора-тадбирлар ўз самарасини бермаганлиги таъкидлаб ўтилди. Бунда мутасадди идора раҳбарларининг ўз вазифаларига нисбатан масъулиятсизлик билан ёндашаётганлари танқид қилинди.

Йиғилишда кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Қибрай туманидаги «Истиқлол» ширкат хўжалигида бу йил 568 гектар ерда деҳқончилик қилиш мўлжалланган. Шундан 270 гектари буғдой, 161 гектари мевали боғ, 15 гектари узумзор, 50 гектар майдонда эса, сабзавот маҳсулотлари етиштириш режалаштирилмоқда.

## Кўкламга ҳозирлик

Маълумки, хўжаликларда кўкламга дала ишларига тайёргарлик техника воситаларини таъмирлаб, ишга яроқли ҳолга келтириб қўйишдан бошланади. «Истиқлол»да ҳам ана шу тартиб қатъий жорий этилган. Шу боис мавжуд 10 та МТЗ-80, Т-28Х4-4 тракторлари, 3 та ҳайдов трактори, шунингдек, барча чизел, культиватор ва сеялкалар 5 январдаёқ тўла ва сифатли таъмирланиб, бўяб, тайёрлик чизигига қўйилди.

Кузги буғдойни айти вақтида экиб, текис ундириб олиб, тўлиқ гектарлар ҳосил қилган галлакорлар гектарига 90 ки-

лограммдан аммофос бериб, 3 тонна маҳаллий ўғит ҳисобидан шарбат сувиға қондириб, буғдойнинг совуқ кунлар бошлангунга қадар тўлиқ ва қалин туплашини таъминладилар. Январ ойининг ўртала-



рида эса кўкламги парвариш ишларига тайёрлик тадбирлари ҳам бошлаб юборилди. Жумладан, буғдойзорларда жами 72 та хандақ қазилиб, ҳар бирига 5 тоннадан маҳаллий ўғит солиниб, баҳорда шарбат усулида оқишиш учун тайёр қилиб қўйилмоқда. Шунингдек, буғдойзорларни пайҳон қилишдан асраш мақсадида атрофларини четан билан

ўраш давом этмоқда. Ҳозирги кунгача 3,2 километр узунликда четан ўрнатилди.

Хўжаликда мавжуд суғориш шаҳобчаларини тозалаш, тартибга келтиришга қиш ойларидаёқ киришишга одатланилган. Хусусан, йирик ариқ-зовурларни механизмлар ёрдамида тозалаш барвақт бошланади. Бугунги кунгача, қарий 5 километр узунликдаги ариқ-зовурларни тартибга келтиришга улгурилди.

**СУРАТЛАРДА:** бош устахона механиги Зоир Абдуқодиров; механизаторлар Абдуқаҳор Ҳакимов, Бахтиёр Фойибназаров ва Абдували Иброҳимов тайёрлик чизигига қўйилган техника воситаларини яна бир бор кўздан кечирмоқдалар.

Даврон АҲМАД олган суратлар.



## ● Анжуман

### Танловга марҳамат, қаламқашлар!

«Экосан» халқаро ташкилоти Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Сихат-саломатлик йили» давлат дастури тўғрисидаги қароридан келиб чиққан ҳолда республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Давлат табиатни муҳофаза қилиш кўмитаси, Ўзбекистон Журналистлар ижодий уюшмаси ҳамда Ўзтелерадиокомпания билан биргаликда экологик ва саломатлик мавзуларида чоп этилган энг яхши мақола, энг яхши радиоэшиттириш ва энг яхши телекўрсатувларни аниқлаш мақсадида республика кўрик-танловини ўтказишни маъқул кўрди.

Унинг асосий мақсади аҳолининг атроф-муҳит омилларининг инсон саломатлигига таъсирдан бохабарлигини ошириш, жамиятда саломатлик маданиятини шакллантириш, кенг жамоатчилик ва мутасадди ташкилотларнинг эътиборини экологик хавф келтирувчи ва касалликларга сабаб бўлаётган нуқсонларни бартараф этишга қаратиш ва экологик журналистикани рағбатлантиришдир.

Яқинда кўрик-танловнинг тақдиротиға бағишланган матбуот конференцияси бўлиб ўтди. Унда бу муҳим тадбирнинг та-

шаббускори бўлган идораларнинг раҳбарлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар. Анжуманда кўрик-танловнинг моҳияти ва мақсадлари атрофича тушунтирилди. 2005 йилнинг 1 февралдан 20 ноябргача бўлган даврдан эфирга узатилган ёки чоп этилган радио ва телерапорталлар, газета ва журналлар, электрон ахборот воситаларидаги мақолалар, чиқишлар, журналистик суриштирувлар, фото материаллари, ижтимоий мавзудаги роликлар танловга қабул қилиниб, 2005 йилнинг 1 декабрида яқунланади.

## ● Янги китоблар

### Фойдали қўлланма

Мамлакатимизда мутлақо янги, икки палатали парламент вужудга келди. Бу тарих зарварақларига муҳрланади.



Шуниси аҳамиятлики, сайловларда иштирок этган партиялар ичида энг ёши, ташкил топганига энди гина бир йил бўлган Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон либерал-демократик партиясининг вакиллари етакчи позицияни эгаллади. Бу ҳаракатнинг сиёсат майдонига чиқиши ва фаоллиги мустақил давлатимиз ва жамиятимизда тамомла янги ҳодисадир.

Хўш, либераллик ва демократия гоёларини илгари сурган шу каби ташкилотлар илгари ҳам бўлганми? Ушбу саволга жавоб топиш учун яқин

ўтмишни эсга олиш кифоя. Шомансур Тошпўлатов ва Шавкат Миралимовнинг ҳаммуаллифлигида «Zar qalam» нашриётида босилиб чиққан «Ўзбекистонда либерал-демократик ҳаракат тарихидан» номли рисола шу жиҳатдан диққатга сазовордир. Китобчада XIX аср охири — XX аср бошларида кенг ривожланган ва халқимизнинг мустақиллик учун олиб борган курашида катта роль ўйнаган жадидчилик ҳаракатининг юзага келиши, кейинчалик илғор фикрлар туйғайли шафқатсиз қатъон қилиниши батафсил ёритиб берилган. Тўғри, муаллифлар ЎзЛиДеП жадидларнинг тўғридан-тўғри ворисидир, деб ҳисоблаш фикридан йириқлар. Лекин янгиликка интилиш борасида ушбу ҳаракатлар тарғиб қилган кўплаб гоёлар ўртасида муайян ўхшашликлар мавжудлиги кўрсатиб ўтилади.

## ● Бобур таваллудининг 522 йиллигига

тўрт кун тавақуф қилдук... Сом-сийрак (ҳозирги Бўка — И.Ё.) деган кентга туштук», — деб ёзади. Аммо душман хуфялари унинг ҳар қада ми ҳақидаги хабарни етказиб турадилар. Бобур шериклари билан бирга ҳозирги Мастчоҳ тумани орқали Ўратепага бориб ўрнашади. Бироқ «Шайбоқхон Ўратепанинг гирд ва навоҳисига келиб, бир пора бузукчилик қилиб ёнди». Хўжанд тарафдан Бобур қасдида юрган хиёнаткор Султон Аҳмад Танбал аскарлари яқинлашиб келдилар. Бобур изғирин кечада Шайбонийхон ва Аҳмад Танбалга сездирмай, Сирдарё ёқалаб, Шохруҳияга келади, Қурбон ҳайитининг намозини шу ерда ўқийди. Юқоридаги рубоий ана шу саросимали кунларда ёзилган.

Бобурнинг Тошкент воҳаси ҳақида «Бобурнома»да ёзиб қолдирган таассуротларида кўп тилга олинган ҳудудлардан бири «Кандирлик доbonи»дир. «Бобурнома» ҳақида ёзилган баъзи илмий манбаларда бу жой номи географик жиҳатдан нотўғри кўрсатилади. Мазкур доvon Оҳангарон туманининг Собир Раҳимов номли ширкат хўжалигида Кандирсойдан Тожикистон Республикаси Сўғд вилоятининг Ашт туманига ўшиб ўтиладиган ердадир. У Қурама ёки Чотқол тизмасидан Фарғона водийсига олиб борадиган



Тангрининг хости мундоқ эса мен нетгаймен.

Дарҳақиқат, кекса Юнусхон неварасига бирорта вилоятни (Ўратепани) ваъда қилган ҳолда ундан чўчир, Шайбонийхон

лашқари билан тўқнашувдан хавфсирар эди. Йигирма ёшга тўлиб, кўп изтиробларни чеккан Бобур бунга англади: «... Вилоят йўқ, вилоят умидворлиги йўқ, навкар аксар тарқади. ... Саргардонлиқтин ва навъ бехонумонлиқтин жонга еттим. Бу навъ хорлиқ ва зорлиқ била эл билгунча оёғим етганча кетсам яхши».

Бобурнинг Афғонистонга кетиши олдида Тошкент воҳасида қилган хайрли ишларидан бири 1502 йилнинг кўкламида Паркентга келиб, Самарқанддан бу ерга ташриф буюрган Хожа Убайдуллоҳ Ахрор ҳазратлари зиёратларида бўлганлигидир. Унинг бу кароматгўй авлиёга бўлган меҳри ва садоқати Ҳиндистонда яшаган йилларида ҳам сўнмади. Ҳасанхожа Нисорийнинг «Музаққир аҳоб» асарида ёзилишича, «юқори шон-шавкатли бобоси ва салтанат нишонли отасининг ҳазрат Хожа Ахрорга иродати бўлган Бобур подшоҳ ҳам бу улуглар хонадонига нисбатан иззат ва икромни соатма-соат оширар ва бирон дақиқа бу ишни қанда қилиб, ғафлатда қолмас эди».

Хулоса қилиб айтганда, Бобурнинг Тошкент воҳасидаги шаҳарча ва қишлоқларда кечган икки-уч йиллик ҳаёти тож-тахт вориси сифатидаги бурч билан жонажон ватанга меҳр, иккинчи томондан сафдошлар хиёнати ва кучқудратга эга бўлган қариндошларнинг парокандалиги туфайли юз берган саргардонлик ўзга элларга «юз қаролик» билан кетиши ҳақидаги қарорга олиб келган.

Исомиддин ЁРМАТОВ,

филология фанлари доктори, Тошкент вилоят Давлат педагогика институтининг филология факультетининг декани.

## Буюк аждодимиз тилга олинди

Чирчиқ шаҳридаги ўқув юртларида саркарда ва шоир Заҳриддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 522 йиллиги кенг нишонланмоқда.

Чунончи, 5- ва 15-мактабларда буюк аждодимиз ҳаёти ва ижодига бағишланган бадиий кеча бўлиб ўтди. Унда

етук мутахассисларнинг маърузалари тингланди, шоир ижодидан намуналар ўқилди, турли сахна лавҳалари намойиш этилди.

Ўз мухбиримиз.

## Тошкент воҳасида ўтган кунлар

бошқа доvonларга нисбатан текис ва пастроқ бўлганлиги учун қишнинг қалин қорли кунларида ҳам пиёда ёки от ва эшакда ўтиш мумкин. «Бобурнома»нинг 1494 ёки 1495 йил воқеаларига бағишланган бобида шундай ёзилган: «Биринки кундан сўнг Кандирлик доbonи била Аҳси ва Андижон сари азимат қилдим». Ёки 1498 йил воқеаларига бағишланган бобда: «Хон (Юнусхон — И.Ё.) ҳам черик тортиб, Оҳангарон жилгаси била келиб, Кандирлик доbonининг тубига тушганда мен ҳам Хўжанддин бориб, хон доdamни кўрдим. Кандирлик доbonини ошиб Аҳси тарафига тушулди».

Бобур кетидан ёвуз ният билан кезиб юрган Шайбонийхонга бас келадиган лашқарга эга бўлмагани ҳолда нега Тошкент ва Ўратепа оралигида қарийб уч йил ўзини хатарга солиб саргардон юрди.

У ватанда қолишни, ҳеч бўлмаганда бобоси (онаси Қутлуғ Нигорхонимнинг отаси) Юнусхон кўмагида бир парча ерга эгалик қилиб, ватанида яшашни ният қилган эди. Аммо на душманлар ва на қариндошлар бу ниятни туншунмадилар:

*Келди ул вақтки, бошимни олиб кетгаймен, Олам ичра аёғим етганича кетгаймен.*

*Истарам ўзни азиз элга кўрунмасликтин, Неча ўзумни улус кўзида хор этгаймен.*

*Халқ юз жавр ила ишлар буюрур, кош элнинг, Не юзин кўргамену не сўзун эшитгайман.*

*Ҳар сори борса бу девона кўнгул, айб этма, Ўйла девона эмаским, ани беркитгаймен. Дема Бобурки, нетарсан бош олиб кетмаким, (Давоми. Боши 1-бетда).*

## ● Навоийхонлик давом этмоқда

### Бобокалонимиз асарлари япон тилида

Шарқнинг буюк мутафаккири, ўзбек халқининг атоқли шоири ва давлат арбоби Алишер Навоий туғилган кун муносабати билан Япониядаги етакчи олий ўқув юртларидан бири Сока университетидан таниқли тарихчи ва адабиётшунос олимлар, ўқитувчи-профессорлар ҳамда талабалар иштирокида учрашув ўтказилди.

Буюк шоир қолдирган мерос жаҳон мумтоз адабиётининг хазинасига айланган. Алишер Навоий қаламига мансуб асарлар қатор хорижий тилларга, хусусан, япон тилига ҳам таржима қилинган.

Шоирнинг ижод намуналари кунчиқар мамлакатнинг нуфузли олий билим даргоҳлари ва музейлари, жумладан, Киото университети, Токио университети, Ҳоккайдо университети, Сока университети, Токио хорижий тиллар университети ва Осакадаги Этнология миллий музейида сақланмоқда.

Кечага ташкилотчилик қил-

ган университет қошидаги Буюк Ипак йўли тадқиқотлари жамияти аъзолари Алишер Навоий асарларидан парчалар ўқиб, шоир ижодининг ўчмас гоёлари ҳақида ўзаро фикр алмашдилар.

Буюк бобокалонимизнинг 564 йиллигига бағишлаб ўтказилган кеча нихоясида Ўзбекистон Республикасининг Япониядаги элчихонаси ҳамда Сока Университети жамоаси номидан ушбу ёдгорлик пойига гуллар қўйилди.

Беруний АЛИМОВ,  
«Жаҳон» АА, Токио.

## Файзли кеча

Қибрай туман маданият ва спорт ишлари бўлими марказий маданият уйида ҳазрат Алишер Навоий таваллудининг 564 йиллигига бағишланган адабий-бадиий кеча ўтказилди.

Унда тумандаги мавжуд кутубхоналар, маданият муассасалари ходимлари, мактаб ўқитувчи ва ўқувчилари, шеърят ихлосмандлари иштирок этдилар. Кечага таклиф этилган навоийшунос олим ва тадқиқотчилар, мумтоз адабиёт мухлислари газал мулки султонининг серқирра ижоди ва ибратли фаолияти ҳақида сўз юритиб, ижодидан намуналар ижро этишди.

— Буюк бобокалонимизнинг таваллуд айёми баҳонасида туманимизда маданият, маънавият ва санъат соҳаларида фидойилик кўрсатаётганлар хизматини рағбатлантиришни лозим топдик,— дейди туман маданият ва спорт ишлари бўлими бошлиғи Рустам Комилов.— Мақсадимиз зиммамиз-



даги хайрли ишлар кўламини кенгайтириш, бу билан кенг жамоатчилик, айниқса, ёшлар ўртасида маънавий-ахлоқий, маданий қадриятларни юксалтириш, чинакам баркамол авлод тарбиясига муносиб ҳисса қўшишдан иборатдир.

Файрат ШЕРАЛИЕВ.

## Туганмас мерос

Ўзбекистон Давлат Консерваториясида буюк мутафаккир шоир, давлат арбоби, газал мулкининг султони Мир Алишер Навоийнинг беш юз олтинчи тўрт йиллигига ҳамда буюк саркарда, шоир Заҳриддин Муҳаммад Бобур таваллудининг беш юз йигирма икки йиллигига бағишланган маданий-маърифий кеча бўлиб ўтди.

Кечани Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Ўзбек театр ишлаб чиқариш бирлашмаси ва Ўзбекистон Давлат Консерваторияси ҳамкорликда ташкил этди. Тадбирда сўзга чиққанлар икки буюк шахснинг мамлакатимиз ва жаҳон хазинасига қўшган улкан маданий ва маънавий меросини юксак фахру ифтихор ила таъкидлаб ўтишди. Шундан сўнг Ўзбек Миллий академик театри

ҳамда Аброр Ҳидоятлов номли театр актёрлари икки буюк бобомиз ҳаётининг қийин дамларидан сахна кўринишлари намойиш этишди ҳамда уларнинг газалларидан намуналар ўқиди. Тадбир сўнгида талабалар Навоий ва Бобур газаллари билан айтиладиган кўшиқлардан қуйлашди.

Рустам ҲАЙДАРОВ,  
«Туркистон-пресс».

## Ҳурматли тадбиркорлар ва хусусийлаштирилган корхона аъзолари!

Сизга шуни маълум қиламизки, 2003 йилнинг сентябрь ойидан бошлаб, Давлат мулки қўмитасининг Тошкент вилояти бошқармасида «Ишонч телефони» ташкил этилиб, ишга туширилди.

Сиз 136-06-28 телефон рақамини териб, корхонанинг иш фаолиятига юқори ташкилотларнинг (ассоциация, вазирлик, компания, ҳокимият ва бошқа органлар) асоссиз аралашуви тўғрисида ахборот беришингиз мумкин. Ахборот берувчи шахс сир сақланади. «Ишонч телефони» ҳар куни (шанба, якшанба ва байрам кунларидан ташқари) соат 9.00 дан 18.00 гача ишлайди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулк қўмитасининг Тошкент вилояти бошқармаси маъмурияти.

## Dushanba

14

## «Ўзбекистон»

Телетомошабинлар диққатига!  
Профилактика муносабати билан, «Ўзбекистон» телеканали 14 февраль куни ўз кўрсатувларини соат 15.00 дан бошлайди.  
15.00 «Тахлилнома».  
15.45 Мусликий танаффус.  
15.50 ТВ анонс.  
15.55 Х. Даврон, Б. Лутфуллаев. «Соғинч». Муқимий номидаги ўзбек давлат мусликий театрининг спектакли. 1-қисм.

«Болалар сайёраси»:  
16.55 1. «Фаройибкентга саёхат». 2. «Олтин тоғ».  
18.00 Янгиликлар.  
18.10 «КиноТеатр».  
18.30 Мумтоз наволар.  
18.40 «Мулкдор».  
19.00 ТВ анонс.  
19.05 «Мувоzanат».  
19.25 «Ўзлото кундалиги» ва рекламалар.  
19.30 «Ахборот» (рус тилида)  
19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.  
20.00 Оқшом эртаклари.  
20.15 Биржа ва банк хабарлари.  
20.30 «Ахборот».  
21.05 «Назм ва наво».  
Бобур лирикаси.

21.35 «Сийёсат оламида».  
21.55 «Ўзбекистон» телеканалда илк маротаба: «Бегона». Телесериал (Мексика)  
22.55 «Оханлар оғушида».  
23.05 «Ахборот - дайжест».  
23.25-23.30 Ватан тимсоллари.

## «Ёшлар»

16.25 Кўрсатувлар дастури.  
16.30 «Давр» ҳафта ичида.  
17.00, 19.35, 22.35 ТВ-анонс.  
17.05 Телевикторина.  
17.10 «Янги авлод» почтаси, Соғлом авлод.  
17.50 Сув - ҳаёт манбаи.  
17.55 Олис манзиллар.  
18.15 Ҳамкор - 2005.  
18.25 Келинг, кулишайлик!

18.45 ТВ-афиша.  
18.50 Мумтоз наволар.  
18.55, 21.55 Иқлим.  
19.00, 22.00 Давр.  
19.40 Мусликий лаҳзалар.  
19.50 «Roison - 2005». Ютуқли ўйиннинг финали.  
20.05 «Бобурнома». 1-қисм.  
20.25, 21.15 Эълонлар.  
20.30 «Муҳаббат можароси». Телесериал.  
22.40 «Оқшом юлдузи». Дам олиш ва ахборот дастури.  
23.40 «Ёшлар» телеканалда спорт дастури: Интерфутбол.  
0.30-0.35 Хайрли тун.

## «Тошкент»

17.05 Кўрсатувлар тартиби.  
17.15 ТТВда сериал: «Индаба».  
17.40 «Табриқлаймиз-кутлаймиз».  
18.00, 20.45 «Экспресс» телегазетаси.  
18.10 «Тиббиёт сизнинг хизматингизда».  
18.30, 20.00, 20.55, 21.35 «Пойтахт» ахборот дастури.  
18.50 «Табриқлаймиз-кутлаймиз».  
19.20 ТТВда сериал: «Қотиллик пайдан».  
20.20 «Ёшлар даврасида».  
21.15 «Мурувват».  
21.55 Кинонигоҳ.  
23.25-23.30 Хайрли тун, шаҳрим!

## «Спорт»

7.30 «Хабарлар».  
7.45 «Бардам бўлинг». Тонгги дам олиш дастури.  
8.45 «Хабарлар» (рус тилида)  
9.05 «Муҳаббат макри». Кинокомедия.  
10.40 Кикбоксинг.  
11.40-12.10 Греция. Кураш бўйича Ўзбекистон Президенти И. Каримов халқаро турнири.  
16.55 Кўрсатувлар тартиби.  
17.00 «Хабарлар» (рус тилида)  
17.15 «Болалар спорти».  
17.30 «Икки тақдир». Бадийий фильм.  
18.00 Янгиликлар.  
18.10 «Икки тақдир». Бадийий фильм.  
18.40 «Клон». Сериал.  
19.40 «Мени кутгил».

21.00 «Время».  
21.30 «Хабарлар».  
21.45 «Спортмиз маликалари».  
22.00 Премьера.  
«Ҳақиқат». Сериал.  
22.50 «Проф-РИНГ».  
23.50 «Тунингиз осуда бўлсин!»

## 30-канал

16.55 гача профилактика ишлари  
16.55 Ойроқчи программаси  
17.00 «Зарубежные клипы»  
17.25 «Телехамкор»  
17.45 «Детский час»  
18.10 «Музыкальная пауза»  
18.45 «Шахматист», сериал  
19.45 «Ошикона», мусликий дастури  
20.30 Юмористический сериал  
21.00 «Телехамкор»  
21.20 «Музыкальная пауза»  
22.20 Киновечер на «30-м»: «Шестое чувство», мелодрама  
24.00 Программа передач

## Seshanba

15

## «Ўзбекистон»

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»  
8.00-8.35 «Ахборот».  
8.35 «Ноилж сайёдлар». Телесериал.  
9.25 «Рангин дунё».  
9.45 «Бизнес ҳафта».  
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.  
10.05 «Мулкдор».  
10.25 «Камалак».  
Болалар учун кинодастур.  
11.50 ТВ клип.  
12.05 «Кишлоқ ҳаёти».  
12.25, 13.55 ТВ анонс.  
12.30 «Рақсонинг сеҳри олими».  
12.50 «Масъул сўз».  
13.10 «Бегона».  
Телесериал.  
14.10 «Муносабат».  
14.40 Х. Даврон, Б. Лутфуллаев. «Соғинч». Муқимий номидаги ўзбек давлат мусликий театрининг спектакли. 2-қисм.

«Болалар сайёраси»:  
15.35 1. «Уч оғайни». Мультфильм. 2. «Мактаб хангомалари». 3. «Кувноқ стартлар».  
16.45 Мусликий танаффус.  
16.55 «Ватанимга хизмат қиламан».  
17.55 ТВ анонс.  
18.10 «Остонаси тиллодан».  
18.30 2005 йил - «Сихат-саломатлик йили». «Фидойи».  
18.50 «Куйла, ёшлигим».  
19.05 «Тафсилот».  
19.25 «Ўзлото кундалиги» ва рекламалар.  
19.30 «Ахборот» (рус тилида)  
19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.  
20.00 Оқшом эртаклари.  
20.15 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)  
20.30 «Ахборот».  
21.05 «Истеъмолчи».

21.25 «Сиз нима дейсиз?» Мусликий дастур.  
21.55 «Ўзбекистон» телеканалда илк маротаба: «Бегона». Телесериал.  
22.55 «Оханлар оғушида».  
23.05 «Ахборот-дайжест».  
23.25-23.30 Ватан тимсоллари.

## «Ёшлар»

6.55 Кўрсатувлар дастури.  
7.00 «Мунаввар тонг». Информацион-дам олиш дастури.  
8.30 «Янги авлод» почтаси.  
8.50 Олтин мерос.  
8.55 Иқлим.  
9.00, 13.00, 16.00 Давр.  
9.25 «Муҳаббат можароси». Телесериал.  
10.10 Катта танаффус.  
10.30 «Акайро». Мультфильм.  
10.50, 13.10, 14.55, 16.10, 19.45, 22.35 ТВ-анонс.  
10.55 Огоҳлик - давр талаби.  
11.15 «Экспедиция».

Хужжатли сериал.  
12.05 Телевикторина.  
12.10 Чемпион сирлари (рус тилида)  
12.30 Фазал соғинчи. Бобур.  
12.50 Мусликий лаҳзалар.  
13.15 Интерфутбол.  
15.00 Боланинг тили.  
15.15 «Даллас». Телесериал.  
16.15 Олис манзиллар.  
16.35 «Бобурнома» 1-қисм.  
16.55 Кўрсатувлар дастури.  
17.00 «Янги авлод» студияси: Ёқимли иштаха.  
17.20 «Қюша ва Компьюша». Мультфильм.  
17.30 Ёшлар куйлаганда.  
17.45 Кўли гул уста.  
18.05 Ёшлар овози.  
18.25 Марди майдон.  
18.45 ТВ-афиша.  
18.50 Мумтоз наволар.  
18.55, 21.55 Иқлим.  
19.00, 22.00 Давр.  
19.35 «Давр» - репортаж.  
19.50 Мусликий лаҳзалар.  
20.00 Телевикторина.  
20.05 Меҳр кўзда.

20.25 ТВ - адвокат.  
20.30, 21.20 Эълонлар.  
20.35 «Муҳаббат можароси». Телесериал.  
21.25 Ракурс.  
21.50 Олтин мерос.  
22.40 «Оз ҳам эмас, кўп ҳам». Бадийий фильм. 1-қисм.  
23.25 Футбол-плюс.  
23.45-23.50 Хайрли тун.

## «Тошкент»

17.05 Кўрсатувлар тартиби.  
17.15 ТТВда сериал: «Индаба».  
17.40 «Табриқлаймиз-кутлаймиз».  
18.00, 20.40 «Экспресс» телегазетаси.  
18.10 «Мультчархпа-лак».  
18.30, 20.00, 20.50, 21.40 «Пойтахт» ахборот дастури.  
18.50 «Табриқлаймиз-кутлаймиз».  
19.20 ТТВда сериал: «Қотиллик пайдан».  
20.20 «Инсон ва қонуни».  
21.10 «Туризм ҳақида».  
22.0 «Ўзбекистон наво-лари». Мусликий дастур.  
22.20 Кинонигоҳ.  
«Афоя».

23.25-23.30 Хайрли тун, шаҳрим!

## «Спорт»

7.30 «Хабарлар».  
7.45 «Бардам бўлинг». Тонгги дам олиш дастури.  
8.45 «Хабарлар» (рус тилида)  
9.05 «Денгиз юлдузининг кавалерлари». Сериал.  
10.10 «Болалар спорти».  
10.25 Профессионал баскетбол.  
11.25 Авторалли. Халқаро пойга.  
11.50-12.20 Греция. Кураш бўйича Ўзбекистон Президенти И. Каримов халқаро турнири.  
16.55 Кўрсатувлар тартиби.  
17.00 «Хабарлар» (рус тилида)  
17.15 «Болалар спорти».  
17.30 «Икки тақдир». Бадийий фильм.  
18.00 Янгиликлар.  
18.10 «Икки тақдир». Бадийий фильм.  
18.40 «Клон». Сериал.  
19.50 Л. Удовиченко

«Даша Васильева изкуварлик ишқибози-2» фильмида.

21.00 «Время».  
21.30 «Хабарлар».  
21.45 «3-тайм».  
22.00 Премьера.  
«Ҳақиқат». Сериал.  
22.50 Жаҳон спорти: «Еврофутбол».  
00.25 «Тунингиз осуда бўлсин!»

## 30-канал

12.00 Ойроқчи программаси  
12.05 «Телехамкор»  
12.25 «Детский час»  
12.50 «Шахматист», сериал  
14.00 Художественный фильм «Шестое чувство», мелодрама  
15.40 «Ошикона», мусликий дастури  
16.25 «Тайны мира», познавательная передача  
17.25 «Телехамкор»  
17.45 «Детский час»  
18.10 «Музыкальная пауза»  
18.45 «Шахматист», сериал  
19.45 «Ошикона», мусликий дастури  
20.30 Юмористический сериал  
21.00 «Телехамкор»  
21.20 «Музыкальная пауза»  
22.20 Киновечер на «30-м»: «Час пик», остросюжетный фильм  
24.00 Программа передач

## Chorshanba

16

## «Ўзбекистон»

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»  
8.00-8.35 «Ахборот».  
8.35 «Ноилж сайёдлар». Телесериал.  
9.25 «Остонаси тиллодан».  
9.45 «Шеърға кўчган кўнгил».  
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.  
10.05 «Тафсилот».  
10.25 «Бувам, Клиан ва мен». Бадийий фильм.  
11.45 «Муслика билан сирлашиб».  
12.05 Болалар учун. «Саргузаштлар ороли».  
12.35, 13.55 ТВ анонс.  
12.40 «Шахсий фикр».  
13.10 «Бегона».  
Телесериал.  
14.10 «Истеъмолчи».  
14.30 2005 йил - «Сихат-саломатлик йили». «Фидойи».  
14.50 «Яхшилик».

15.15 «Ягона оилада».  
15.45 Кундузги сеанс: «Шаркий экспрессдаги қотиллик». Бадийий фильм. 1-қисм.  
«Болалар сайёраси»:  
16.45 1. «Болалар спорти». 2. «Қизқарли учрашувлар».  
17.45 Эстрада тароналари.  
18.10 «Таълим ва тараққиёт».  
18.30 «Агар Сиз».  
18.55 «Ҳаётимиз қомуси».  
19.10 «Пластик карточкалар ҳамма учун фойдали».  
19.15 «Ўзлото».  
Телелотерея.  
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.  
19.30 «Ахборот» (рус тилида)  
20.00 Оқшом эртаклари.  
20.15 «Юзма-юз».  
20.30 «Ахборот».  
21.05 «Тухмат балоси». Хужжатли фильм (рус тилида)

21.40 «Оханлар оғушида».  
21.50 «Журналист тахлили».  
22.10 «Ўзбекистон» телеканалда илк маротаба: «Бегона». Телесериал.  
23.10 «Оддий ҳақиқатлар». Ток-шоу.  
23.40 «Ахборот-дайжест».  
24.00-00.05 Ватан тимсоллари.

## «Ёшлар»

6.55 Кўрсатувлар дастури.  
7.00 «Мунаввар тонг». Информацион-дам олиш дастури.  
8.30 «Янги авлод» студияси: Ёқимли иштаха.  
8.50 Олтин мерос.  
8.55 Иқлим.  
9.00, 13.00, 16.00 Давр.  
9.25 «Муҳаббат можароси». Телесериал.  
10.10 «Давр»-репортаж.  
10.20 Футбол-плюс.  
10.40 «Учинчи сайёра» маърифий дастури.  
11.30 Ракурс.  
11.55 Кўли гул уста.  
12.15 Меҳр кўзда.

12.35 Ёшлар овози.  
12.55 Мусликий лаҳза.  
13.10, 15.10, 19.35, 22.35 ТВ - анонс.  
13.15 «Ака - ука Гримм эртаклари». Мультсериал.  
13.40 «Сиздан угина, биздан бугина». Бадийий фильм.  
15.15 «Даллас». Телесериал.  
16.10 Хуш келибсиз.  
16.35 «Бобурнома» 2-қисм.  
17.00 Телевикторина.  
17.05 Кўрсатувлар дастури.  
17.10 «Янги авлод» студияси: Оқ кабутар, Хар соҳага саёхат.  
17.50 Тенгдошлар.  
18.10 Ёшлар овози.  
18.30 ТВ - адвокат.  
18.35 Каталог.  
18.45 ТВ-афиша.  
18.50 Мумтоз наволар.  
18.55, 21.55 Иқлим.  
19.00, 22.00 Давр.  
19.40 Автопатруль.  
20.00 Спорт-лото.  
20.10 Очил дастурхон.  
20.35, 21.25 Эълонлар.  
20.40 «Муҳаббат можароси». Телесериал.  
21.30 «Ҳаёт давом

этади».  
21.50 Олтин мерос.  
22.40 «Оз ҳам эмас, кўп ҳам». Бадийий фильм. 2-қисм.  
23.25 «Ёшлар» телеканалда спорт дастури: Ринг қироллари.  
0.15-0.20 Хайрли тун.

## «Тошкент»

17.05 Кўрсатувлар тартиби.  
17.15 ТТВда сериал: «Индаба».  
17.40 «Табриқлаймиз, кутлаймиз».  
18.00, 20.45 «Экспресс» телегазетаси.  
18.10 «Мусликий меҳмонхона».  
18.30, 20.00, 20.55, 21.35 «Пойтахт» ахборот дастури.  
18.50 «Табриқлаймиз-кутлаймиз».  
19.20 ТТВда сериал: «Қотиллик пайдан».  
20.20 «Аёл қалби».  
21.15 «Билим». Телеклуби.  
21.55 Кинонигоҳ: «Рух».  
23.50-23.55 Хайрли тун, шаҳрим!

## «Спорт»

7.30 «Хабарлар».

7.45 «Бардам бўлинг». Тонгги дам олиш дастури.  
8.45 «Хабарлар» (рус тилида)  
9.05 «Денгиз юлдузининг кавалерлари». Сериал.  
10.10 «Болалар спорти».  
10.25 «Кувноқ стартлар».  
11.00 Авторалли. Халқаро пойга.  
11.25 «Кучли бешлик».  
12.15-12.45 Греция. Кураш бўйича Ўзбекистон Президенти И. Каримов халқаро турнири якунлари.  
16.55 Кўрсатувлар тартиби.  
17.00 «Хабарлар» (рус тилида)  
17.15 «Болалар спорти».  
17.30 «Икки тақдир». Бадийий фильм.  
18.00 Янгиликлар.  
18.10 «Икки тақдир». Бадийий фильм.  
18.40 «Клон». Сериал.  
19.50 Л. Удовиченко «Даша Васильева изкуварлик ишқибози-2» фильмида.  
21.00 «Время».

21.30 «Хабарлар».  
21.45 «Майдон ортидаги одам».  
22.00 Премьера.  
«Ҳақиқат». Сериал.  
22.50 Жаҳон спорти: «Еврофутбол».  
00.25 «Тунингиз осуда бўлсин!»

## 30-канал

12.00 Ойроқчи программаси  
12.05 «Телехамкор»  
12.25 «Детский час»  
12.50 «Шахматист», сериал  
14.00 Художественный фильм «Час пик», остросюжетный фильм  
15.40 «Озгина-озгина» - совместный проект «30-го канала» и муз.центра «Соз».  
16.00 Спорт-экстрим  
16.25 «Тайны мира», познавательная передача  
17.25 «Телехамкор»  
17.45 «Детский час»  
18.10 «Музыкальная пауза»  
18.45 «Шахматист», сериал  
19.45 «Ошикона», мусликий дастури  
20.30 Юмористический сериал  
21.00 «Телехамкор»  
21.20 «Музыкальная пауза»  
22.20 Киновечер на «30-м»: «Придурок», комедия  
24.00 Программа передач

## Payshanba

17

## «Ўзбекистон»

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»  
8.00-8.35 «Ахборот».  
8.35 ТВ анонс.  
8.40 Мумтоз наволар.  
«Болалар сайёраси»:  
9.00 1. «Болалар спорти». 2. «Қизқарли учрашувлар».  
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.  
10.05 «Бенжи». Бадийий фильм.  
11.30 «Агар Сиз».  
11.55, 14.30 ТВ анонс.  
12.05 «Ҳаётимиз қомуси».

12.20 «Харакатда баракат».  
12.35 Мусликий танаффус.  
12.45 «Оддий ҳақиқатлар». Ток-шоу.  
13.15 «Бегона».  
Телесериал.  
14.10 «Журналист тахлили».  
14.35 «Киёфа».  
15.00 Кундузги сеанс: «Шаркий экспрессдаги қотиллик». Бадийий фильм. 2-қисм.  
16.05 «Парле ву франсе?».  
«Болалар сайёраси»:  
16.25 1. «Соғлом танда

- соғ ақл». 2. «Цирк, цирк, цирк».  
17.25 «Меъмор».  
17.45 «Харита».  
Халқаро шарҳ.  
18.10 «Муслика: кеча ва бугун».  
18.40 ТВ анонс.  
18.45 «Зийнат».  
19.05 «Узингни, ўз юртингни ўзинг асра!».  
19.25 «Ўзлото кундалиги» ва рекламалар.  
19.30 «Ахборот» (рус тилида)  
19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.  
20.00 Оқшом эртаклари.  
20.15 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)  
20.30 «Ахборот».  
21.05 Телемуллоқот.  
21.50 «Оханлар оғушида».

22.00 «Дин ва ижтимоий тараққиёт».  
22.20 «Олтин сур изидан». Бадийий фильм.  
23.45 «Ахборот-дайжест».  
00.05-00.10 Ватан тимсоллари.

## «Ёшлар»

6.55 Кўрсатувлар дастури.  
7.00 «Мунаввар тонг». Информацион-дам олиш дастури.  
8.30 «Янги авлод» студияси: Оқ кабутар.  
8.50 Олтин мерос.  
8.55 Иқлим.  
9.00, 13.00, 16.00 Давр.  
9.25 «Муҳаббат можароси». Телесериал.  
10.10 Тенгдошлар.  
10.30 Болалар экран:

«Балиқчи ва олтин балиқ».  
11.00 Хар соҳага саёхат.  
11.20 «Экспедиция». Хужжатли фильм.  
12.10 Чемпион сирлари (рус тилида)  
12.30 Ёшлар овози.  
12.50 Мусликий лаҳзалар.  
13.10, 15.10, 19.45, 22.35 ТВ-анонс.  
13.15 «Ака-ука Гримм эртаклари». Мультсериал.  
13.40 «Гугуртга кетиб». Бадийий фильм.  
15.15 «Даллас». Телесериал.  
16.10 Автопатруль.  
16.30 «Ўзбектелефильм» намоиши: «Ўзбекистонда қарата».  
17.00 Ҳаёт давом этади.

17.20 Кўрсатувлар дастури.  
17.25 «Янги авлод» студияси: Китоб жавони.  
17.45 Ёшлар куйлаганда.  
18.00 Ёшлар овози.  
18.20 Табоат оламида.  
18.45 ТВ-афиша.  
18.50 Мумтоз наволар.  
18.55, 21.55 Иқлим.  
19.00, 22.00 Давр.  
19.35 «Давр»-репортаж.  
19.50 Узимизники.  
20.00 Мусликий лаҳза.  
20.10 Тараққиёт сари.  
20.30 ТВ-адвокат.  
20.35, 21.25 Эълонлар.  
20.40 «Муҳаббат можароси». Телесериал.  
21.30 Бегойим.  
21.50 Олтин мерос.  
22.40 «Оз ҳам эмас, кўп ҳам». Бадийий

фильм 3 -қисм.  
23.25 Цирк, Цирк, Цирк.  
23.40-23.45 Хайрли тун.

## «Тошкент»

17.05 Кўрсатувлар тартиби.  
17.15 ТТВда сериал: «Индаба».  
17.40 «Табриқлаймиз-кутлаймиз».  
18.00, 20.45 «Экспресс» телегазетаси.  
18.10 «Болажонлар экран».  
18.30, 20.00, 20.55, 22.05 «Пойтахт» ахборот дастури.  
18.50 «Табриқлаймиз-кутлаймиз».  
19.20 ТТВда сериал: «Қотиллик пайдан».  
20.20 «Аёллар

салтанати». 21.15 «Эл хизматиди». 21.35 «Моҳир». 21.45 «Ҳимоя». 22.25 Кинонигоҳ: «Катта истеъдод». 23.35-23.45 Хайрли тун, шаҳрим!  
**«Спорт»**  
7.30 «Хабарлар».

7.45 «Бардам бўлинг». Тонгги дам олиш дастури. 8.45 «Хабарлар» (рус тилида). 9.05 «Денгиз юлдузининг кавалерлари». Сериал. 10.10 «Болалар спорти». 10.25 Касаба уюшмала-

ри спорти. 10.55 «Жаҳон футболлари». 11.25 «Спорт масканларида». 11.45-12.35 Кучли бешлик. 16.55 Кўрсатувлар тартиби. 17.00 «Хабарлар» (рус тилида)

17.15 «Болалар спорти». 17.30 «Икки тақдир». Бадий фильм. 18.00 Янгилликлар. 18.10 «Икки тақдир». Бадий фильм. 18.40 «Клон». Сериал. 19.50 Л. Удовиченко «Даша Васильева изкуварлик ишқибоз-и» фильмида. 21.00 «Время». 21.30 «Хабарлар». 21.45 «Спорт-менинг ҳаётим». 22.00 Премьера. «Ҳақиқат». Сериал. 22.50 Жаҳон спорти: «Еврофутбол». 00.25 «Тунингиз осуда бўлсин!»

зи-2" фильмида. 21.00 «Время». 21.30 «Хабарлар». 21.45 «Спорт-менинг ҳаётим». 22.00 Премьера. «Ҳақиқат». Сериал. 22.50 Жаҳон спорти: «Еврофутбол». 00.25 «Тунингиз осуда бўлсин!»

**30-канал**  
12.00 Открытие программы 12.05 «Телехамкор» 12.25 «Детский час» 12.50 «Шахматист», сериал 14.00 Художественный фильм «Придурак», комедия 15.40 Спорт-экстрим 16.25 «Тайны мира», познавательная передача 17.25 «Телехамкор» 17.45

«Детский час» 18.10 «Музыкальная пауза» 18.45 «Шахматист», сериал 19.45 «Ошикона», мусикий дастури 20.30 Юмористический сериал 21.00 «Телехамкор» 21.20 «Музыкальная пауза» 22.20 Киновечер на «30-м»: «Бархатные руки», комедия 24.00 Программа передач

**Juma**

**18**

**«Ўзбекистон»**  
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот». 8.35 ТВ анонс. «Болалар сайёраси»: 8.40 1. «Соғлом танда - соғ ақл». 2. «Цирк, цирк, цирк!». 9.40 «Ўзингни, ўз юртингни ўзинг асра!» 10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгилликлар. 10.05 «Маринка, Янка ва қирол қасрининг сири». Бадий фильм. 11.20 «Ўзлинг намобён қил». Экранда - Хоразм вилояти. 11.40 «Ўзбектелефильм» намойиши: «Портрет». 11.50 Мумтоз наволар. 12.05 «Тўйнат». 12.25 «Зухрат балоси». Хужжатли фильм (рус тилида) 13.00 Мусикий танаффус. 13.10 И. Муқимов, Х. Расул. «Муқаддас

тахтизар». Ўзбек миллий академик драма театрининг спектакли. 1-қисм. 14.10 Телемулоқот. 14.55 ТВ анонс. 15.00 «Муқаддас тахтизар» спектаклининг 2-қисми. 15.55 «Аёл қалби наволари». Мусикий дастур. 16.15 «Меҳрибон тулки». Мультфильм. 16.35 «Умр мазмуни». «Болалар сайёраси»: 16.55 1. «Санъат гунчалари». 2. «Ўйла, Изла, Топ!». Телемусобака. 17.55 ТВ анонс. 18.10 «Олтин бешик». 18.40 «Тафсилот». 19.00 «Хидоят сари». 19.20 «Пластик карточкалар ҳамма учун фойдали». 19.25 «Ўзлото кундалиги» ва рекламалар. 19.30 «Ахборот» (рус тилида) 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар. 20.00 «Оқшом эртақлари»

20.15 «Дастурхон атрофида». 20.30 «Ахборот». 21.05 «Муносабат». 21.35 Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар куйлайди. 21.50 «2005 йил - Сихат саломатлик йили». «Оламини асранг!» 22.10 Жаҳон кино дурдоналари: «Бенхур». Бадий фильм. 1-қисм. 23.55 «Ахборот-дайджест». 00.15-00.20 Ватан тимсоллари.  
**«Ёшлар»**  
6.55 Кўрсатувлар дастури. 7.00 «Мунаввар тонг». Информацион-дам олиш дастури. 8.30 «Янги авлод» студияси Китоб жавони. 8.50 Олтин мерос. 8.55 Иқлим. 9.00, 13.00, 16.00 Давр. 9.25 «Муҳаббат можароси». Телесериал. 10.10 «Давр»-репортаж. 10.20 Жаҳон жуғрофияси. 11.10 Томорқа. 11.20 «Экспедиция».

Хужжатли сериал. 12.10 Шум болалар. 12.25 Телевикторина. 12.30 Ёшлар овози. 12.50 Мусикий лаҳзалар. 13.10 «Ака-ука Гримм эртақлари». Мультсериал. 13.35 «Аёл портрети». Бадий фильм. 15.05 Ўзимизники. 15.15 «Даллас». Телесериал. 16.10, 19.35, 22.35 ТВ - анонс. 16.15 Тараққиёт сари. 16.35 Бегойим. 16.55 Кўрсатувлар дастури. 17.00 «Янги авлод» студияси: У ким? Бу нима? 17.20 «Мультмоша». 17.35 2005 - сихат - саломатлик йили. «Юртим сихаттоҳлари». 17.55 ТВ-дорихона. 18.05 Аскар мактублари. 18.25 Қишлоқдаги тенгдошим. 18.45 ТВ-афиша. 18.50 Мумтоз наволар. 18.55, 21.55 Иқлим. 19.00, 22.00 Давр. 19.40 Мусикий лаҳзалар. 19.50 Тақдир. 20.10 ТВ - адвокат.

20.15 Меъёр - соғлиқ гарови. 20.35, 21.25 Эълонлар. 20.40 «Муҳаббат можароси». Телесериал. 21.30 Ҳандалак. 1 - қисм. 21.50 Олтин мерос. 22.40 Автосалтанат. 22.55 «Оз ҳам эмас, кўп ҳам». Бадий фильм 4-қисм. 23.40 «Ёшлар» телеканалда спорт дастури: Интерфутбол. 0.30-0.35 Хайрли тун.  
**«Тошкент»**  
17.05 Кўрсатувлар тартиби. 17.15 ТВда сериал: «Индаба». 17.40 «Табриқлаймиз-кутлаймиз». 18.00, 20.40 «Экспресс» телегазетаси. 18.10 «Дугоналар». 18.30, 20.00, 20.50, 22.15 «Пойтахт» ахборот дастури. 18.50 «Табриқлаймиз, кутлаймиз». 19.20 ТВда сериал: «Котиллик пайидан». 20.20 «Имконият». 21.10 «Дорихона ошитади». 22.00 «Пойтахт йўлларида». 22.35 Кинонигоҳ: «Юз

бир кеча». 00.10-00.15. Хайрли тун, шаҳрим!  
**«Спорт»**  
7.30 «Хабарлар». 7.45 «Бардам бўлинг». Тонгги дам олиш дастури. 8.45 «Хабарлар» (рус тилида) 9.05 «Денгиз юлдузининг кавалерлари». Сериал. 10.10 «Болалар спорти». 10.25 Касаба уюшмалари спорти. 10.55 «Нокаут». 11.25 «Кучли бешлик». 12.15-12.45 «Дунё манзаралари». 16.55 Кўрсатувлар тартиби. 17.00 «Хабарлар» (рус тилида) 17.15 «Болалар спорти». 17.30 «Шоҳсупадан сўнг». 17.50 «Спорт клуб». Ринг. 18.20 Хужжатли фильм. 18.50 Мавсум режалари. «Севинч» футбол клуби. 19.05 «Белида белбоғи борлар». 19.25 «Дадиллик учун соврин». 19.50 «Муъжизалар

майдоми». 21.00 «Время». 21.25 «Хабарлар». 21.40 «Спорт - менинг ҳаётим». 22.00 Премьера. «Ҳақиқат». Сериал. 22.50 «Жаҳон спорти: Снукер». 23.50 «Тунингиз осуда бўлсин!»  
**30-канал**  
12.00 Открытие программы 12.05 «Телехамкор» 12.25 «Детский час» 12.50 «Шахматист», сериал 14.00 Художественный фильм «Бархатные руки», комедия 15.40 «Ошикона», мусикий дастури 16.25 «Тайны мира», познавательная передача 17.25 «Телехамкор» 17.45 «Детский час» 18.10 «Музыкальная пауза» 18.45 Звезды ринга на «30-м»: Лучшие подвиги звезд профессионального и любительского бокса. 19.45 «Ошикона», мусикий дастури 20.30 «Аеллар орузи» - передача для женщин 21.00 «Телехамкор» 21.20 «Музыкальная пауза» 22.20 Киновечер на «30-м»: «Мажестик», мелодрама 24.00 Программа передач

**Shanba**

**19**

**«Ўзбекистон»**  
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот». 8.35 Республика Куролли Кучлари марказий ашула ва ракс ансамблининг концерти. «Болалар сайёраси»: 8.55 1. «Санъат гунчалари». 2. «Ўйла, Изла, Топ!» Телемусобака. 9.55 «Хидоят сари». 10.15 «Мусика дунёси». 10.35 «Бу турфа олам». 11.25 «Тафсилот». 11.45 «Маугли». Мультфильм. 13.20, 13.55 ТВ анонс. 13.25 «Сиз нима дейсиз?» Мусикий дастур. 14.00 «Оталар сўзи - ақлинг кўзи». 15.05 «Дўстлик» студияси: 1. «Ўзбекистон - умумий уйимиз». 2. «Умид» 3. «Дурдаршан». 16.05 Мусикий

танаффус. 16.15 «Табиат шифохонаси». 16.25 ТВ анонс. 16.30 Болалар учун. «Саргузаштлар ороли». 17.00 «Экран хандаси». 17.30 «Изҳор». Мусикий дастур. 17.50 «Рангин дунё». 18.10 «Интеллектуал ринг». 18.55 «Қишлоқ ҳаёти». 19.15 «Ўзлото». Телелотерея. 19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар. 19.30 «Ахборот» (рус тилида) 20.00 Оқшом эртақлари. 20.15 FCN «Ўзбекистон янгилликлари» (инглиз тилида) 20.30 «Ахборот». 21.05 «Гап чикди». 21.45 «Кўшиғимиз Сизга армуғон». «Тунги ёғду». Дам олиш дастури: 22.05 «Кино, кино, кино». 22.15 Жаҳон киноси

дурдоналари. «Бенхур». Бадий фильм. 2-қисм. 24.00 «Ахборот-дайджест». 00.20-00.25 Ватан тимсоллари.  
**«Ёшлар»**  
6.55 Кўрсатувлар дастури. 7.00 «Мунаввар тонг». Информацион-дам олиш дастури. 8.30 «Янги авлод» студияси: У ким? Бу нима? 8.50 Олтин мерос. 8.55 Иқлим. 9.00 Давр. 9.25 «Муҳаббат можароси». Телесериал. 10.10 ТВ - дорихона. 10.20 Оҳанрабо. 11.00 Табобат оламида. 11.25 «Маҳобҳорат». Телесериал. 12.10 Кутилмаган меҳмон. 12.35 Т. Минуллин, Н. Халилов «Дилафрузга тўрт ошиқ». Муқимий номидаги Ўзбек Давлат мусикий театрининг спектакли. 14.20 Бола тилидан. 14.50 Қишлоқдаги тенгдошим. 15.10 Интерфутбол. 16.50 Кўрсатувлар дастури.

16.55 «Янги авлод» студияси: Билагон маслаҳати. 17.15 Зумрадойнинг эртақлари. 17.35 Очун. 18.00 Куёшли юрт одамлари. 18.15 Саломатлик сирлари. 18.35 Каталог. 18.45 ТВ-афиша. 18.50 Мумтоз наволар. 18.55, 21.55 Иқлим. 19.00, 22.00 Давр. 19.35, 22.35 ТВ - анонс. 19.40 Ҳандалак. 2 - қисм. 20.00 «Килни қирқ ёриб». Интеллектуал ўйин. 20.50, 21.40 Эълонлар. 20.55 Жаҳон маданияти хазиначиси: «Маҳобҳорат». Телесериал. 21.50 Олтин мерос. 22.40 «Жавоҳир полициячи». Бадий фильм. 0.10-0.15 Хайрли тун.  
**«Тошкент»**  
17.05 Кўрсатувлар тартиби. 17.15 «Мультчархплак». 17.40 «Табриқлаймиз-кутлаймиз». 18.00, 20.05 «Экспресс» телегазетаси. 18.10 Жаҳон географи-

яси. 18.40 «Афиша». 19.00 «Табриқлаймиз-кутлаймиз». 19.30 «Экран зийнати ва киймати». 20.15 «Эътиқод». 20.35 «Биргаликда куйлаймиз». 21.20 «Нима учун?» 21.30 ТВда премьера: «Девор». 1-2-сериялар. 00.30-00.35 Хайрли тун, шаҳрим!  
**«Спорт»**  
7.30 «Хабарлар». 7.45 «Бардам бўлинг». Тонгги дам олиш дастури. 8.45 «Хабарлар» (рус тилида) 9.00 «Болалар спорти». 9.15 Жаҳон спорти: Теннис. 10.10 «Лаззат». 10.30 Ю. Антонов. «Қайғудан хурсандчиликкача». 11.10 Қизикарли кино. 12.00 «Кўнгил-кўнгилга пайванд». 12.45 Пауэрлифтинг. Мавсум режалари. 13.05 «Кучли бешлик». 13.55-14.25 «Гиннес рекордлари». 16.55 Кўрсатувлар дастури. 17.00 «Хабарлар» (рус

тилида) 17.15 «Болалар спорти». 17.35 «Олтин тўп». Теннис клуби. 17.50 «Спорт - саломатлик гарови». 18.10 Аралаш. 18.40 Концерт дастури. 20.00 «Ким миллионер бўлишни истайди?» Телеўйин. 21.00 «Время». 21.20 «Спорт-клуб». 21.30 «Хабарлар». 21.45 Премьера. «Ҳақиқат». Сериал. 22.40 «Олтин граммофон». 23.40 «Тунингиз осуда бўлсин!»  
**30-канал**  
9.00 Открытие программы 9.05 «Телехамкор»

9.25 «Детский час» 9.50 Фильм детям: «Бетховен-2», комедия 11.20 «Окно в мир» - документальный фильм 11.40 Звезды ринга на «30-м»: Лучшие подвиги звезд профессионального и любительского бокса 12.50 Спорт-экстрим 13.25 «Детский час» 13.50 Индийское кино: «Любовный недуг» 16.30 Болалар соати 17.25 «Телехамкор» 17.45 «Ошикона», мусикий дастури 18.30 Киновечер на «30-м»: «Доблестные воины», остросюжетный фильм 20.00 «Хижан» 20.20 Хит-парад.uz 21.40 «Телехамкор», фойдала газета 22.00 «Родственный обмен», сериал 23.00 «Ночной канал» - «В поисках приключений», каратэ

**Yakshanba**

**20**

**«Ўзбекистон»**  
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот». 8.35 «Камалак». Болалар учун кинодастур. 10.00 «Ватанимга хизмат қиламан». 11.00 «Оналар мактаби». 11.20 «Бу турфа олам». 12.10, 14.30 ТВ анонс. 12.15 «Алифбо сабоқлари». 12.35 «Гап чикди». 13.15 «Богбон». Бадий фильм. 1-қисм. 14.35 «Санъатга бахшида умр». 14.55 «Богбон». Бадий фильм. 2-қисм. 16.15 «Дўстлик» студияси: 1. «Дидар». 2. «Рангинкамон». 3. «Айчурек». 4. «Чинсан». 17.35 Мусикий танаффус. «Болалар сайёраси»:

17.45 1. «Улғайиш поғоналари». 2. «Олтин тоғ». 18.40 «Сиз кутган учрашув». 19.10 «Бизнес ҳафта». 19.25, 20.00, 20.25, 21.10 Эълонлар. 19.30 «Таҳлилнома» (рус тилида) 20.05 «Оламга саёҳат». 20.30 «Таҳлилнома». 21.15 «Одами эрсанг». 21.40 «Якшанба оқшомида». Мусикий дам олиш дастури. «Якшанба кинозали»: 22.05 «Ўзбекистон» телеканалда илк маротаба: 2. Аскар мактублари. 14.35 «Муқаддас ер». Бадий фильм. 16.15 Автосалтанат. 16.30 Чемпион сирлари. 16.50 Ринг қироллари. 17.45 Кўрсатувлар дастури. 17.50 «Янги авлод» студияси: Катта танаффус. 18.10 «Мультмоша». 18.25 Сув - ҳаёт манбаи.

маслаҳати. 8.50 Олтин мерос. 8.55 Иқлим. 9.00 Зумрадойнинг эртақлари. 9.20 «Маугли». Мультфильм. 10.55 Очил дастурхон. 11.20, 16.10, 17.40, 19.30 ТВ - анонс. 11.25 Ёшлик наволари. 11.35 Саломатлик сирлари. 11.55 «Маҳобҳорат». Телесериал. 12.40 «Заковат». Интеллектуал ўйин. 13.40 Минг бир ривоят. 13.45 Ҳамкор - 2005. 13.55 «Ёшлар» телеканалда ҳарбий - ватанпарварлик дастури: 1. Марди майдон, 2. Аскар мактублари. 14.35 «Муқаддас ер». Бадий фильм. 16.15 Автосалтанат. 16.30 Чемпион сирлари. 16.50 Ринг қироллари. 17.45 Кўрсатувлар дастури. 17.50 «Янги авлод» студияси: Катта танаффус. 18.10 «Мультмоша». 18.25 Сув - ҳаёт манбаи.

18.30 Спорт ҳафтано-маси. 18.45 ТВ - афиша. 18.50 Мумтоз наволар. 18.55, 21.55 Иқлим. 19.00 «Давр» ҳафта ичида. 19.35 Озодбек Назарбеков куйлайди. 19.55, 20.45 Эълонлар. 20.00 Жаҳон маданияти хазиначиси: «Маҳобҳорат». Телесериал. 20.50 Оҳанрабо. 21.30 «Оқшом юлдузи». Дам олиш ва ахборот дастури. 22.30 «Синдрелланинг орзуси». Бадий фильм. 0.05-0.10 Хайрли тун.  
**«Тошкент»**  
17.05 Кўрсатувлар тартиби. 17.15 Болажонлар экрани. 17.35 «Табриқлаймиз-кутлаймиз». 17.55, 20.50 «Экспресс» телегазетаси. 18.05 «Жаҳон географияси». 18.35 «Эртақларнинг сеҳри олами». 20.0 «Пойтахт плюси». 20.20 «Табриқлаймиз-

кутлаймиз». 21.00 «Шунақа гаплар». 21.15 «Тенгдошлар». 21.45 «Тв плюси». 22.15 ТВда премьера: «Терминал». 00.15-00.20 Хайрли тун, шаҳрим!  
**«Спорт»**  
7.30 «Хабарлар». 7.45 «Бардам бўлинг». Тонгги дам олиш дастури. 8.45 «Хабарлар» (рус тилида) 9.00 «Болалар спорти». 9.15 Жаҳон спорти: Теннис. 10.10 Д. Криловнинг «Йўлда ёзилмаган қайдлари». 10.30 «Ҳамма уйдалигида». 11.10 «Соғлом овқатланиш сирлари». Инглиз тилида. 11.20 «Рақибингиз гротмейстер». 11.40 Жаҳон футболлари. 12.10 «Профессионал бокс тарихидан». 13.10 Дисней клуб. 13.40-15.10 «Данстон

пайдо бўлади». Кинокомедия. 16.55 Кўрсатувлар тартиби. 17.00 «Хабарлар» (рус тилида) 17.15 «Бинафша». 17.40 «Кучли бешлик». 18.30 «Баҳодирлар ўйини». 19.00 Қийиш кузгу. 21.00 «Время». 21.45 «Хабарлар». 22.00 Премьера. «Ҳақиқат». Сериал. 22.50 «Спорт - менинг ҳаётим: Захирадаги спортчи». 23.10 Жаҳон спорти: «Еврофутбол». 00.45 «Тунингиз осуда бўлсин!»  
**30-канал**  
9.00 Открытие программы 9.05 «Телехамкор»

9.25 «Детский час» 9.50 Фильм детям: «Город мастеров», сказка 11.20 «Телехамкор» 11.40 «Дикая планета» 12.50 Спорт-экстрим 13.30 Хит-парад.uz 14.50 Болалар соати 15.45 Дневной кинозал: «В поисках приключений», каратэ 17.25 «Телехамкор» 17.45 «Музыкальная пауза» 18.20 Киновечер на «30-м»: «Лавина», приключения 19.50 «Ошикона», мусикий дастури 20.35 «Родственный обмен», сериал 21.35 «Телехамкор» 21.55 «Музыкальная пауза» 23.00 Воскресный киноветер на «30-м»: «Полетел дракона», остросюжетный фильм 24.00 Программа передач

Шайхонтохур туманидаги «Shod Servis» хусусий фирмаси  
**ТУГАТИЛАДИ.**  
Давволар эълон чиққан кундан бошлаб 1 ой давомида қабул қилинади. Телефон: 144-27-71.

Юнусобод туманидаги «GODSEND» хусусий фирмаси номига 2004 йилда берилган № 15182909 рақамли чакана савдо қилиш ҳуқуқини берувчи лицензия йўқолганлиги сабабли  
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Зудлик билан «В», «С», «Е» тоифали ҳайдовчи ишга  
**ТАКЛИФ ҚИЛИНАДИ.**  
Маълумот учун телефонлар: 398-73-13, 110-86-49.

Миробод туман ҳокимлиги томонидан 2003 йил 15 апрелда «YUBIS» ХФга берилган УС 000860 рақамли улғуржи савдо учун рўқсат гувоҳнома йўқолганлиги сабабли  
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Мирзо Улуғбек туманидаги «ERKIN-QURULISH-SERVIS» масъулияти чекланган жамияти (ИНН 205082665, ОКОНХ 62000) ва фаолиятини  
**ТУГАТАДИ.**  
Давво ва аризалар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой давомида Мирзо Улуғбек тумани Қорасуғ-4 даҳаси, 11-уйда қабул қилинади. Т: 103-57-71.

Зангиота тумани ҳокимлиги томонидан 28 июль 2004 йилда Ибрагимов Икрам Абдуллаевич номига берилган JS 0008443 рақамли чакана савдо ни амалга ошириш ҳуқуқини берувчи гувоҳнома йўқолганлиги сабабли  
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Махмуд ТОИР

## ОЛСАНГ, ФАЗИЛАТИМ ОЛГИН, БОЛАЖОН



Муаллиф.

Шеър осмондан тушмайди, шеър ердан чиқмайди, аксинча, кўнгилдан тўкилади. Қалбадаги қувонч гулласса, шеър бўлади, дилдаги дард оғриққа айланса, шеър бўлади. Шеърга, аҳли қаламга баҳоликудрат таъриф бериш осондир. Аммо шеър ёзиш мушкул. Шу боис дўсту ёрлари шоирга илҳом тилашади. Демокриманки, кўнгилга илҳом нур сочганда туғилган бир туркум машқларимни қадрдон газетамиз — «Тошкент ҳақиқати» мухлислари-

га илингим келди. Зеро, бу отахон газета вилоятимизнинг мен каби ўнлаб ижодкорлари асарларини юзага чиқарган, кўнгил кўзимизни очган. Шу боис биз ижодкорлар ўз газетамиз ва унинг жафокаш жамоасидан ҳамиша миннатдормиз. Энди эса, келинг, кўнгилга сафар қиламиз. Зора, бирон-бир сатрим сизнинг дил дардингизга малҳам бўлса!

## ОНА

Бу дунёнинг бозорида бахт борми,  
Яратгандан тилаганинг нақд борми,  
Оёғингга бошим кўйсам дил осмон,  
Она, сенинг товонингда тахт борми?

Тулпорларга тушов уят, тушов ор,  
Бедорларнинг болишида ҳикмат бор,  
Минг додимда бир оҳингнинг гарди йўқ,  
Она сенинг олқинингда оят бор.

Осмон узок, ер қаттиқ деб кўп айтдинг,  
Йўллар кутиб дарвозага дард айтдинг,  
Она, юзинг табассумлар талашсин,  
Ажинларинг чехрангдаги шоҳ байтинг.

Онасини бевақт берган бахтсиз кўп,  
Ох, онасиз тахтда турган тахтсиз кўп,  
Отанг кетса дардинг тўксанг онанг бор,  
Онанг кетса чиқмас экан кўздан чўп.

Ором сўзин осмони ҳам онадир,  
Қадр сўзи кўрғони ҳам онадир,  
Шеърингни кўй, Махмуд, онанг кўнглин топ,  
Жаннатларнинг посбони ҳам онадир.

## СЕНДАН ЙИРОҚДА

Бу дунё томидан тош ташламангиз,  
Ярашмаса йиғлаб кўз ёшламангиз,  
Ҳар кўнгил кўкида юлдуз бор, ой бор,  
Чиқмаган қуёшга дил ғашламангиз.

Ярлақанни эл назарда тутгай,  
Ҳасадчини эса ҳазарда тутгай,  
Бахт деган бир сўзнинг ботмон юки бор,  
Бемехр бахтни ҳам озорда тутгай.

Офтоб керилмайди, чироқ чиранар,  
Ғафлат сархуш юрса, тузоқ чиранар,  
Олам томошаси тугамас сира,  
Йиртиқ кийим кўрса, қуроқ чиранар.

Узилиб кетмаса арқон ардоқда,  
Соғинчнинг савлати мунгли фироқда.  
Дунё бевафо деб нолима, Махмуд,  
Сендан яхшилар кўп сендан йироқда.

## ЙЎЛ ЮРСАНГ...

Набирам Илёсга

Яхшиман дейишдан ҳеч қилмайман ор,  
Беайб парвардигор, қусурлар ҳам ёр.  
Шундан хижолатман, бир ўтинчим бор,  
Олсанг, фазилатим олгин, болажон.

Йўл юрсанг йўл кўпдир, кўл урсанг юмуш,  
Тўрвасин тўлдирмас бу кўҳна турмуш,  
Урушсанг дунёда шайтон-ла уруш,  
Олсанг, фазилатим олгин, болажон.

Бу ҳаёт ҳар кунни тўрға чорламас,  
Ўзини билганни мудом хорламас.  
Одамлик шарафин оқлай билсанг бас,  
Олсанг, фазилатим олгин, болажон.

Кўп гапдан кўпирма, оздан орланма,  
Нафсинг тиғ тутса ҳам ётга зорланма,  
Ўзгалар хатосин қилмайин таъна,  
Олсанг, фазилатим олгин, болажон.

Боқийлик бахти бир ўзига ёрдир,  
Бошдан баланд сакраб кўплар афгордир,  
Неники тиласанг манглайда бордир,  
Олсанг, фазилатим олгин, болажон.

Рост яшаш дунёда бўлмаган осон,  
Кетгунча шошади бандаси ҳамон,  
Вале охиратда ўтмайди ёлгон,  
Олсанг, фазилатим олгин, болажон.

## ОМАДИН ОЛМА

Кўнгилнинг тубини кўзгу кўрсатмас,  
Қизарган йигитни кўзгуга солма.  
Бир олам омад бер ҳар бир йигитга,  
Отини олсанг ҳам омадин олма.

Яйраса ярашар йигит зотиға,  
Қувонч қувиб юрсин, дуодан толма.  
Тоғни талқон қилсин элининг корида,  
Сочлари оқармай қоматин олма.

Муҳаббат меросдир Одам Атодан,  
Момо Ҳаволарим қайғуга солма.  
Севилиб яшасин, севиб яшасин,  
Жонини олсанг ҳам, жононин олма.

Ҳар фарзанд умрнинг узун йўлидир,  
Ўзбегим бешиги сира бўш қолма.  
Йигит тиззасида ўғли ўтирсин,  
Элга мардлар керак, полвонин олма.

То абад кўзини тўқ қил йигитнинг,  
Бир нафси йўлида юз кўйга солма,  
Бергувчи ўзингсан, олгувчи ўзинг,  
Орини олмагин, омадин олма.

## ҚАНДОҚ ЯШАЙСАН?

Остона ортида кўчалар хандон,  
Остона ичини ўртайди армон.  
Нечун ҳеч кимсадан кўрқмайсан ёлгон,  
Яхшини ёмонлаб қандай яшайсан?

Кўзларинг кўрки-ку, кўкарган майса,  
Сен булут бўласан офтоб жилмайса,  
Ававал ер яйраркан яхши кўпайса,  
Яхшини ёмонлаб қандай яшайсан?

Тоғларнинг тошини ким адо қилур,  
Кўзларнинг ёшини ким пайдо қилур,  
Тупроқнинг тагида ким тилло қилур,  
Яхшини ёмонлаб қандай яшайсан?

Оёғинг остида титраган хазон,  
Елдек ўтиб кетган умридан ҳайрон,  
Айтгин, сен инсофга келасан қачон,  
Яхшини ёмонлаб қандай яшайсан?

Тошдан яралса-да, кўкрак қафасинг,  
Қайтиб чиқарасан олган нафасинг,  
Махмуд, дилда бўлса зарра ҳавасинг,  
Яхшини ёмонлаб қандай яшайсан?

## СЎЗИНГ УВВОС СОЛМАСИН

Айтнинг, дунё беш кунликми, ўн кунлик,  
Кимдир юпун, кимдир бўлди зар тўнлик,  
Биздан кетган сизга етса не ажаб,  
Яхшиларга ярашмайди дилхунлик.

Кўзгуларнинг кўзи бўлсак қанийди,  
Хуш кўнгилнинг юзи бўлсак қанийди,  
Мен умидга етарманми дегунча,  
Ҳалола таом тузи бўлсак қанийди.

Улуғларнинг увоғи ҳам тош босар,  
Ғам одамнинг кипригига тош осар,  
Хижолатнинг хиёбони бунча тор,  
Нечун менинг кўзларимни ёш босар.

Ажаб дунё чархипалак чарх экан,  
Ноҳақликдан кўрқмагандан кўрқ экан,  
Абадият уммонида сузар ким,  
Ким қувончинг қумғонида ғарқ экан.

Ўйлаб топган сўзинг уввос солмасин,  
Қариганда кўлда юкинг қолмасин,  
Ёмонлар ҳам Яратганинг бандаси,  
Яхши одам яхшиликдан толмасин.

БУЛБУЛ

Шеърга ўхшаш садодан кўрқдим,  
Гарчи кўрқсам Худодан кўрқдим.

Езмай туриб ёнди сўзларим,  
Сукут ичра қанча бўзладим.

Юрагимга санчдим қаламни,  
Мен бағримга босдим аламни.

Ит итлигин қиларкан ҳар вақт,  
Мен итлардан тиланмадим бахт.

Гарчи олис офтобга боқдим,  
Кўнгил отлиғ дарёда оқдим.

Қарғаларга қўшса ҳам тақдир,  
Булбул бўлиб яшамоқ бахтдир.

\*\*\*  
Бир сўзни минг сўзда  
тутгучилар бор,  
Бир умр гўнг титиб  
ўтгучилар бор.  
Ҳар қандай ёмондан  
ўзинг асрагин,  
Бош эгиб бошингга  
етгучилар бор.

\*\*\*  
Қишнинг қабоғида  
кўклам кўринди,  
Келмаган кўклам ҳам  
кўркам кўринди.  
Ҳазрат Навоийни  
бир йўқлаб эрдим,  
Кўз юмсам кўзимда  
олам кўринди.

# XXI asr va dunyo

Mamlakatlar  
Odamlar  
Voqealar  
G'aroyibotlar

Россия — Грузия:

## МУАММОЛИ ТАЛАБ

Грузия ва Россия ўртасида чекланган шартнома лойиҳасини тайёрлаш борасидаги музокаралар «боши берк кўчага кириб қолди». Пайшанба куни Грузия ташқи ишлар вазирининг ўринбосари Мераб Антадзе ана шундай баёнот билан чиқди. Унинг сўзларига қараганда, бош муаммо — Москванинг Тбилисидан Грузия худудига чет эл ҳарбий базаларини жойлаштирмасликни талаб этаётганидир.

Аргентина:

## МАҲБУСЛАР ИСЭНИ



Аргентинанинг Кордова шаҳридаги қамоқхона маҳбуслари ғалаён кўтариб, 25 нафардан ортиқ кишини гаровга олдилар. Хабар қилинишича, тўс-тўполон давомида камида 4 киши ҳалок бўлган, 12 киши яраланган. Ҳокимият вакилларининг маҳбуслар билан музокаралари ҳозирча самара бергани йўқ. Ғалаёнчилар қамоқхонада маҳбусларни тутиб туриш шароитларини яхшилашни талаб этмоқдалар.

АҚШ:

## ЖИНОЯТГА ШЕРИК ОҚЛОВЧИ

Нью-Йорк федерал суди пайшанба куни адвокат Линн Стюартни террорчиларга кўмак беришда айбдор деб топди. Линн 1993 йилда Жаҳон савдо марказидаги террорчилик хуружини ташкил қилгани учун умрбод қамоқ



жазосига ҳукм қилинган шайх Умар Абдул Раҳмоннинг суддаги ҳимоячиси эди. Бу аёл Умар Абдул Раҳмон қамоқхонада ўтириб ёзган номаларини унинг тарафдорларига етказиб турган.

Ироқ:

## ҚОНУН ҲАММА УЧУН БАРОБАР



Украина-лик тинчликпарварлар ўз ватанларида жўнаб кетаётганларида,

Ироқдан 300 минг доллардан ошиқ пулни олиб чиқишга уринганликлари маълум бўлди. Божхона рўйхатидан ўтказилмаган жами 319500 доллар миқдоридagi валюта «Эль-Кут — Николаев» йўналиши билан келган, ҳарбий техника ортилган транспорт самолётини текшириш чоғида топилди.

Фаластин:

## АЙБДОРЛАР ЖАЗОЛАНДИ

Фаластин мухторияти президенти Маҳмуд Аббос Ғазо худуди хавфсизлик хизмати раҳбарини эгаллаб турган лавозимидан четлатди. Чунки у «ХАМАС» гуруҳи жангарилари томонидан Исроил қишлоқлари миномётдан ўққа тутилишининг олдини ололмаган эди.

## Шарҳловчи минбари

# Европа ва Осиёга қаттиқ совуқ тушди

Сўнги ҳафта Европа ва Осиё мамлакатларида ҳаво совиб кетди. Ҳароратнинг кескин пасайиши кўпроқ Марказий Европа мамлакатларида кузатилаётир.


ПАТА-ТАСС хабарларига қараганда, минтақада бундай аёз сўнги 80 йил ичида рўй бермаган. Хорватияда ҳаво ҳарорати одатдаги ўртача кўрсаткичдан 20 даража паст. Кўшни Боснияда эса термометр 30 даража совуқни кўрсатяпти. Болгариядаги ҳолат ҳам унчалик яхши эмас. Мамлакатнинг шимоли-шарқий худудларида кучли қор ёғди. Йўллар музлаб, баъзи жойларда транспорт ҳаракати тўхтаб қолган.

Руминияда ҳарорат пасайиши рекорд даражага етди. Ҳафта бошида мамлакат марказий худудларида 38,5 даража совуқ қайд этилди. Бу талай муаммоларни келтириб чиқарди. Йўлларга путур етди. Темир йўлларда ток ўтказгичлари музлаб қолди. Натижада Бухарест-Тимишоара йўналиши бўйича поездлар қатнови тўхтатилди.

Ҳарорат Осиё мамлакатларида ҳам одатдагидан анча паст. Эронда сўнги 34 йил давомида кузатилмаган совуқ тушди. Маҳаллий оммавий ахборот воситалари тарқатган хабарларга қараганда, 45 сантиметр қалинликда қор ёққан. Қалин қор у ерда ҳам транспорт воситаларига таъсир кўрсатди. Хабарларга қараганда, пойтахт Техроннинг ўзида бир кунда 850 ҳалокат рўй берган. Таълим муассасалари ёпиб қўйилган.

Ҳиндистоннинг Жамму ва Кашмир штатида уч кун мобайнида тинимсиз қор ёғди. Юзлаб автомобиллар шаҳарлараро йўлларда қолиб кетди. Ҳароратнинг кескин пасайишини соҳа мутахассислари турлича шарҳляпти. Лекин уларнинг аксарияти бу ҳолни сайёрамиз экологиясининг бузилиши билан боғлаётир.

Жасур КЕНГБОВЕВ (ЎЗА).



Ҳиндистоннинг қадимий ибодатхонаси.

## ХУШЁР МУНАЖЖИМЛАР

NASA лабораторияси ходимлари «Гюйгенс» (Huygens) зондининг Титан атмосферасидан ўтиши ҳақидаги маълумотларни тиклашга муваффақ бўлдилар. Радиокузатувларни қайта ишлаш натижаларининг кўрсатишича, Сатурн йўлдошидаги шамол тезлиги секундига 400 метргача етаркан. Ноник сабабларга кўра «Гюйгенс» бу ҳақда мустақил хабар бермаган.

## МАЛИКА ҚИРОЛИЧА БЎЛОЛМАЙДИ

Шаҳзода Чарльзнинг Камилла Паркер-Боулз билан никоҳ маросимини 8 апрель куни Виндзор қасрида ўтказиш мўлжалланмоқда. Чарльзнинг рафиқаси бўлгач, Камилла Корнуэль герцогиняси деган улуғвор ном соҳибаси бўлади. Аммо, шаҳзода Чарльз тож кийганда, Камилла қиролича бўлолмайдиган, у малика-консорт деб эълон қилинади.

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техник жиҳатдан ва молиявий таъминлаш департаментининг Тошкент вилояти ҳудудий бўлими жиноят, фуқаролик ва хўжалик судларининг қарорларига ва ҳукмига асосан, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ҳудудига божхона қонун-қондаларини бузиб, ноқонуний равишда, яъни контрабанда йўли билан мол-мулкни олиб киришда фойдаланилган автотототранспорт воситаларининг кимошди савдоси ўтказилиши ҳақида ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.**

### Савдога

#### қуйидагилар қўйилади:

1. «УАЗ-452» русумли автомобиль, давлат рақами йўқ, техник носоз, **бошланғич нархи — 280 000 сўм.**
2. «УАЗ-452» русумли автомобиль, давлат рақами 11 М 07 68, техник носоз, **бошланғич нархи — 384 000 сўм.**
3. «УАЗ-31512» русумли автомобиль, давлат рақами Ш 01 81 ТН, техник носоз, **бошланғич нархи — 200 000 сўм.**
4. «МАЗ-5549» русумли автомобиль, давлат рақами 10 АА 451, техник носоз, **бошланғич нархи — 1 600 000 сўм.**
5. «ГАЗ-69» русумли автомобиль, давлат рақами 11 Р 06 78, **бошланғич нархи — 200 000 сўм.**
6. «ВАЗ-2103» русумли автомобиль, давлат рақами 11 L 09 98, техник носоз, **бошланғич нархи — 500 000 сўм.**
7. «УАЗ-3303002» русумли автомобиль, давлат рақами йўқ, техник носоз, **бошланғич нархи — 100 000 сўм.**
8. «ГАЗ-5312» русумли автомобиль, давлат рақами 80 60 ТШР, техник носоз, **бошланғич нархи — 150 000 сўм.**

Кимошди савдоси (аукцион) 2005 йил 22 февраль куни соат 11.00 да ўтказилади.

1. «ВАЗ-21033» русумли автомобиль, давлат рақами 30 D 13 76, техник носоз, **бошланғич нархи — 500 000 сўм.**

2. «КАМАЗ-5410» русумли автомобиль, давлат рақами 17 G 69 08, техник носоз, **бошланғич нархи — 1 200 000 сўм.**

3. «КАМАЗ-5410» русумли автомобиль прицепи, давлат рақами 10 42 АЖ, техник носоз, **бошланғич нархи — 300 000 сўм.**

Кимошди савдоси (аукцион) 2005 йил 14 март куни соат 11.00 да Судлар департаментининг Тошкент вилоят ҳудудий бўлимида Тошкент шаҳар, Яққасарой тумани, У. Носир кўчаси, 93-уй, 3-қаватда ўтказилади.

Кимошди савдосида қатнашадиган корхоналар, фуқаролар бошланғич нархининг 10 фоизи миқдоридан тўлов тўлаб, қатнашишлари мумкин.

Кимошди савдосида қатнашиш учун аризалар қабул қилиш ва рўйхатдан ўтиш Тошкент туман ЖИБ судининг биносида ҳар куни соат 9.00 дан 18.00 га қадар давом этади. Ариза қабул қилиш кимошди савдоси ўтказиладиган кундан 3 кун олдин тўхтатилади.

Манзил: Тошкент тумани, К. Ғафуров кўчаси, 10-уй, 1-қават, 5-хона.  
Маълумот учун телефонлар: 152-73-43, 53-08-78, (8-296) 53-718.

# Достонлар рассом ижодида

Ўзбекистон Бадний академиясининг Марказий кўргазмалар залида Ўзбекистон халқ рассоми Муборак Йўлдошевнинг «Достонлар куйчиси» деб аталган шахсий кўргазмаси ўтказилмоқда.

М.Йўлдошев кўп йиллар Алишер Навоий номидаги Давлат академик катта театрида бош рассом бўлиб ишлади. Бугунги кунда у томошабинлар орасида ҳам безакчи, ҳам рассом сифатида танилган.

Мўйқалам устаси манзаралар, натюрмортлар, портрет ва маиший сахналарни мохирона яратади. Унинг асарларида жасоратларга қодир қахрамонлар акс эттирилган. Яхшилик ва ёмонлик, нур ва зулмат ўртасидаги кураш рассом ижодида хос мавзудир.

Н. УСМОНОВА,  
ЎЗА мухбири.

## • Sport •

Осиё қитъасининг саккизта энг кучли футбол терма жамоалари 2006 йилда Германияда ўтказиладиган

жаҳон чемпионатида йўлланма олиш учун саралаш мусобақаларининг иккинчи босқичини бошлашди.

### «Германия-2006»:

## Гуруҳдаги илк дуранг

«А» гуруҳида Ўзбекистон миллий терма жамоаси Жанубий Корея, Саудия Арабистони ва Кувайт терма жамоаси билан баҳс юритади. Футболчиларимиз дастлабки учрашувни «Пахтакор» марказий ўйингоҳида Саудия Арабистони терма жамоа-

си билан ўтказдилар. Кизикарли ўтиши қутилган бу беллашувни томоша қилиш учун ўйингоҳга 50 мингга яқин мухлис ташриф буюрди. Учрашувнинг дастлабки дақиқаларидан фаол ҳаракат қилган меҳмонлар кўплаб хавфли вазиятлар содир этди-

лар, бироқ танаффусгача ҳисоб очилмади.

Иккинчи бўлимда ҳам меҳмонлар майдонда ҳужумкор ўйин кўрсатдилар. Лекин вакилларимиз биринчи бўлимдагига нисбатан фаол ҳаракат қилдилар. Шундай бўлсада 66-дақиқада рақиб жамоа ҳисобни очишга эришди. Ўйин тугашига санокли сониялар қолганда Анвар Солиев чиройли жавоб тўпини киритишга муваффақ бўлди.

Ўйлаимизки, миллий терма жамоамиз қолган учрашувларда ўтган мавсумдаги каби чиройли ўйин кўрсатиб, яхши натижага эришади ва гуруҳда пешқадамлар сафидан жой олиб, жаҳон чемпионатида йўлланмани қўлга киритади.

«А» гуруҳидаги иккинчи учрашувда Жанубий Корея миллий терма жамоаси Кувайт футболчиларини 2:1 ҳисобида мағлубиятга учратди.

Талъат ЮСУПОВ.



СУРАТДА: Андрей Ахоянц ҳужумда. Сарвар ҲРМОНОВ (ЎЗА) олган сурат.

## • Bolalik bog'i



### Ko'zlar

*Osmon ko'zlarindir,  
Yog'duga to'liq.  
Nurlar kiprigingday,  
Saqlar dunyoni,  
Qalbing quyosh ersa.  
Ko'zlaring ichra  
Shodlikdan yaralgan  
Mitti yulduzlar,  
Movi kengliklarda  
Oftobsan o'zing,  
Qalbing harorati  
Nigohlaringda,  
Cheksiz ufqlarga  
Ketaman singib,  
Qorachig'i qilib  
Olsin shu ko'zlar...*

Ashurali BOYMURODOV.

## • Биласизми?

### ЧАҚМОҚНИНГ ҲАРОРАТИ



Момақалди роқ вақтида юзага келадиган чақмоқнинг ҳарорати жуда юқори бўлар экан. У цельсий бўйича 30 минг даражага боради. Буни тасаввур қилиш учун куёш сирти ҳароратига солиштириш мумкин. Уртадаги фарқ беш баробарни ташкил этади, яъни куёш ҳарорати 6 минг даражада бўлар экан.

### 16-ҳаво

Гидрометеорология Бош бошқармасининг хабар беришича, 12 февраль куни Тошкентда ҳаво ўзгариб туради, вақти-вақти билан қор ёғади. Кечаси ва эрталаб туман тушади. Фарбдан секундига 5-10 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 4-6 даража совуқ, кундузи -1+1 даража бўлади. Тошкент вилоятида ҳаво ўзгариб туради, вақти-вақти билан қор ёғади, туман тушади. Фарбдан секундига 7-12 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 3-8 даража совуқ, кундузи -2 даража совуқ, +3 даража илиқ бўлади.

## • Буни ҳаёт дейдилар

Рустамжон кўчадан югуриб келди-да, онасининг ёнига чўккалаганча, жилмайиб туриб, ялинганнамо деди:

— Ойижон, ҳамма ўртокларим яхши кийинишади. Мен эса...

— Тўғри айтасан, ўғлим. Ўтган йили олган кийимларнинг бари калта бўлиб қолган, — деди онаси.

Махзуна ўғлининг бўй-бастига қараб севинди. Чунки у бу фарзандини кўп йиллар кутган. Ўғли бу йил олий ўқув юртига ҳам кирди. Қандай бўлмасин кийинтириши керак.

«Энди кимдан ёрдам сўрасам экан, отасининг аҳволи ўзимга маълум. Бечора ўғлим фақат менга сўянади-да», дея уф тортди.

Махзуна ўйлаб-ўйлаб, акасида пул сўрашни дилига тугиб, уларникига борди. Акаси уйда йўқ экан. Бироз кутди, ҳадеганда келавермагач, мақсадини келинойисига айтди.

— Пулимиз бор, фақат эр-

тароқ қайтариб бераман, десангиз... Узоғи билан икки-уч кун ичида олиб келиш шарти билан, хўпми, — деди келинойиси.

Ўғлига кийим-бош олиш учун пул топганидан ўзида йўқ хурсанд бўлган Махзуна дўконга югурди. Ўғлининг ҳам

олиб, ўғлининг ясангирлишига бало бормиди? Ўзингизнинг юришингизни қаранг...

— Ундай деманг, менинг бойлигим ҳам, борлигим ҳам шу биттаю-битта ўғлим-ку. Қарз олган бўлсам, туғишган акамдан олибман, бегона эмас-ку, ахир, — деди Махзуна ўзини йиғидан базўр тутиб.

— Мен билмайман, шу бугуноқ пулни қайтарасиз, бўлмаса... — келинойиси шундай дея эшикни зарб билан ёпиб уйига кириб кетди.

Акасининг ҳовлисида яқка ўзи қолган Махзунанинг ўша дамдаги аҳволи ўзигагина маълум.

Дарду дунёси қоронғу аҳволда акасиникидан чиққач, йиғлаб опасиникига борди. Поччаси уйда экан. Улар ҳали хол-аҳвол сўрашиб бўлмасиданок, йўлакда келинойиси ва жияни турарди:

— Сизни изламаган жойимиз қолмади. Яхшилик ҳеч қачон яхшилик билан қайтмайди-да. Акангиз мени уйдан ҳайдаб юборди. «Синглимга берган пулни ҳозирок олиб

қувончи чексиз.

Хаш-паш дегунча, пулни қайтариш муддати етиб келди. Маошдан эса дарак йўқ. У хижолат бўлиб келинойисига йўлиқди ва маошни ўз вақтида ололмаганини, яна икки-уч кундан кейин қарзини қайтаришини айтди.

Келинойисининг қовоғидан қор ёғиб, жаврай кетди: — Пулингиз йўқ экан, қарз

# МИННАТЛИ «САҲИЙЛИК»

## Ўсимликлардаги «асаб» тизимлари

Олимлар олиб борган тажрибалар натижасида ўсимликларнинг ўзига хос «асаб» тизими борлиги аниқланди. Бу тизим ҳайвонлардагига ўхшаш, ташқи муҳитдан келадиган таъсирларни сезар экан. Тажриба учун дастлаб қовоқ танланган. Гап шундаки, қовоқда ток ўтказувчи йўллар анчагина катта бўлгани учун тажриба ўтказиш жуда қулай экан.

Қовоқ палатидан ток ўтказувчи тарам белгилаб олиниб, уларга микроэлектрод уланди. Кейин турли усуллар билан ўсимлик илдизининг «жигга» тега бошланди. Шундан сўнг таъсир этилган жойдан 30-40 сантиметр юқорида зум ўтмай электр


импульслари пайдо бўлди. Буни экранда ялтираб кўринган кингир-қийшиқ чизиқлардан билиш мумкин эди.

Маълум бўлишича, ўсимликларда «асаб» сигналнинг тезлиги ит, маймун, одамдагидек юқори бўлмаса-да, аммо унга анча ўхшаш.

Ўсимликлар мусиқани ҳам «тушунар» экан. Масалан, даранг-дурунг жаз мусиқаси уларнинг асабига тегар, оқибатда ўсиши сустлашаркан. Аммо мумтоз мусиқа уларга хуш ёқаркан.

Энди олимлар олдида ўсимликларда «таъсир салоҳияти» ҳосил қилувчи механизмни топишдек мураккаб масала кўндаланг бўлиб турипти. Бу механизм сири

## • Бу қизиқ



топилса, ўсимликларни ўстириш инсон ихтиёрида бўлади.

Ақбар АЛИЕВ тайёрлади.

**ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ**  
ТОШКЕНТ ШАҲРИДА  
ТОШКЕНТ ШАҲРИДА

**Муассас**  
**ТОШКЕНТ**  
**ВИЛОЯТИ**  
**ҲОКИМЛИГИ**

Бот муҳаррир  
вазифасини бажарувчи  
**Убайдулла**  
**АБДУШОҲИДОВ**

**Телефонлар:**  
Хатлар ва оммавий  
ишлар бўлими: 133-40-48.  
Эълонлар:  
133-70-10, 136-53-54.

**Манзилимиз:**  
700000, Тошкент  
шаҳри, Матбуотчилар  
кўчаси, 32.

Тошкент вилояти ҳокимлиги ҳузурдаги  
Матбуот ва ахборот бошқармасида  
03-001 рақами билан рўйхатга олинган.  
**Газета «Тошкент ҳақиқати»**  
таҳририяти компьютер  
марказида тарилди ва  
саҳифаланди.

• Эълон ва билдирув-  
лардаги факт ҳамда далил-  
ларнинг тўғрилиги учун  
реклама ва эълон берув-  
чилар масъулдир.